O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
# BUNYODKORI
№55-56 (708-709) 2023 йил 7 июль, жума
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: тараққиёт, инновация ва маърифат ҳафталиги

## унда қурилиш соҳасига оид долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди



**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Янги Ўзбекистон ҳамкорлик ҳафталиги доирасида ўтказилган илк тадбир “Бош режаларнинг бугуни ва келажаги. Ривожланишдаги янги ёндашувлар” мавзусидаги давра суҳбати бўлди. Уч сессиядан иборат семинарда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қурилиш соҳасига дахлдор вакиллари иштирок этиб, шаҳарсозликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Хусусан, шаҳарсозликни ривожлантириш ва бош режаларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ва имкониятлари кўриб чиқилди.**

Семинарни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Даврон Адилов очиб берди. Вазир ўринбосари Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳаси иқтисодиётининг ривожланиш суръатлари ҳақида маълумот берди.

– Мамлакатимизда қурилиш ишлари кўлами йил сайин ортиб бормоқда, – деди вазир ўринбосари Даврон Адилов. – Жумладан, республикада жами қурилиш ишлари ҳажми 2020 йилда 88 трлн сўмни, 2021 йилда 108 трлн ва 2022 йилда эса 131 трлн сўмни ташкил этди. Сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича 27 та Президент ҳужжати ва 24 та Ҳукумат қарори қабул қилинган. Бундан ташқари, “Шаҳарсозлик кодекси”нинг янги таҳрири қабул қилинди. Шунингдек, 2021-2025 йилларда қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегия ва йўл харитаси тасдиқланди. Мамлакатимизда ўтган 6 йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича жами 1 370 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида жами 1944 та аҳволи оғир маҳаллаларнинг бош режа схемалари ишлаб чиқилди. Жорий йилда яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан, 11 та шаҳар ва 50 та шаҳарчалар бош режалари, 42 та ҳудудларнинг мастер режалари ҳамда 122 та қишлоқларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, республикада биринчи маротаба жойлаштиришнинг бош схемаларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу масалада бош схемаларни ишлаб чиқиш бўйича малакали ва тажрибали кадрларга талаб мавжуд. Шу сабабли, шаҳарсозлик соҳасида фаолият юритган хорижий тажрибага эга мутахассисларни маслаҳатчи сифатида бош лойиҳа институтларига жалб қилиб келмоқдамиз.

Таъкидлаш лозимки, соҳага замонавий нормалар ва технологияларни татбиқ қилиш мақсадида, илғор хорижий давлатлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мисол қилиб келтирадиган бўлсак, сейсмика ва зилзилага оид норматив ҳужжатлар бўйича Япония билан ҳамкорлик қилинмоқда. Қурилиш нормаларини геология, табиий-иқлим ва сейсмик хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий нормалар билан уйғунлаштириш бўйича Жанубий Корея билан ҳамкорликда эксперт-консультантлар жалб этилган.

Шунингдек, тадбирда Буюк Британиянинг “Беной” компанияси ижрочи директори Джон Доус “Бош режаларни ишлаб чиқишда муваффақиятли ва нотўғри қарорлар” мавзусида нутқ сўзлади. Тажрибали мутахассис шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бош режаларни лойиҳалаштиришдаги замон билан боғлиқ талаблар, бу борадаги хорижий кейсларнинг қиёсий таҳлили, натижадорлик кўрсаткичларга тўхталиб ўтди.

Семинарнинг иккинчи қисмида вазирликнинг Архитектура бошқармаси бошлиғи Ш.Атажанов соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан мулоҳаза юритди.

▶ 2-бет

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА

## Барчаси аҳоли фаровонлиги учун

**Янги Андижон шаҳрида очилган Ипотека марказида янги уй олувчи фуқароларга зарур барча хизматлар кўрсатилади.**





Марказ очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда кейинги йилларда одамларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг узоғини яқин қилиш, қулайликлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Андижон вилояти мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Андижон вилояти республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам вилоятда ернинг ҳар бир қарич майдонидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига аввалги йиллардаги ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш ташаббусини илгари сурган эди.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Андижон тумани адирликларида 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳри барпо этилмоқда. Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 144 гектар майдонида турар жойлар қад ростлайди. Шунингдек, 215 гектар майдонда савдо, 240 гектарда хизмат кўрсатиш, 76 гектарда саноат, 1 минг 942 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, 364 гектар майдон йўллар ва бошқа инфраструктура объектларидан иборат бўлади. “Янги Андижон” лойиҳаси бир неча босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 минг 310 хонадонли 70 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли поликлиника, трикотаж корхонаси, ипотека маркази, қатор савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилиши режалаштирилган.

Мазкур ҳудудда бугунги кунга қадар барча қулайликларга эга 30 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолига топширилмоқда. Бундан ташқари, умумтаълим мактаби, боғча, поликлиника, трикотаж корхонаси ишга туширилди. Йўллар, канализация тармоғи қурилди, табиий газ, ичимлик суви келтирилди. Эндиликда Ипотека маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади.

– Ипотека марказида давлат хизматлари агентлиги, банклар ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари шохобчалари, қурилиш ташкилотлари офислари жойлашган, – деди Янги Андижон шаҳри дирекцияси Матбуот хизмати раҳбари Шерзодбек Сотволдиев ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Эндиликда янги уй олмоқчи бўлган фуқароларга субсидия, кредит ажратиш ва бошқа барча турдаги хизматлар шу ернинг ўзида кўрсатилади. Бу аҳолига катта қулайлик яратади, улар турли жойларга овора бўлиб бориб юрмайди. Марказ иш бошлаган дастлабки кундаёқ Хонобод шаҳри, Андижон, Балиқчи, Булоқбоши, Избоскан ва Пахтаобод туманларида яшовчи, уй-жой олиш истагида бўлган юздан зиёд фуқаро марказ хизматларидан фойдаланди.

## Кадастр назоратида амалга оширилган ишлар

**Ўтган 6 ойда республика бўйича ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаш билан боғлиқ 5 968 та (2 236,3 гектар) ҳолат аниқланган. АОКАда ўтказилган брифингда Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъматжон Атамуратов ўтган 6 ой давомида ер ва кадастр назорати йўналишида амалга оширилган ишлар таҳлили ҳақида маълумот берди.**

Унга кўра, ўрганилган жойлар – қишлоқ хўжалиги ерларида 1 961 гектар, аҳоли пунктлари ерларида 144 гектар, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларда 14,2 гектар, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерларда 1,3 гектар, тарихий маданий аҳамиятга молик ерларда 3,7 гектар, ўрмон фонди ерларида 23,2 гектар, сув фонди ерларида 9,9 гектар ва захира ерларда 79,0 гектарни ташкил этади.

Агентлик органлари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар асосида 2 390 та ҳолатда 642,6 гектар майдондаги қонунбузилишларни ихтиёрий бартараф этилиши таъминланди.

## Қабул жараёнига тараддуд

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида ректор Чидем Туркйилмаз бошчилигида 2023/2024-ўқув йилининг қабул жараёнларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда университет раҳбарияти, қабул жараёнларига масъул профессор-ўқитувчилар ва жамоатчилик асосида ташкил этилган ишчи-ходимлар қатнашишди. Йиғилишда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига сифатли ахборотларни етказиш, “Call-center”га мурожаат қилган фуқароларни қонунчиликдаги янгиликлардан бохабар қилиш, қабул жараёнлари ва касбий ижодий имтиҳонларни адолатли, шаффоф ўтказиш, ташкилий масалалар ҳамда коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган мавзулар муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида навбатдаги қабул жараёнларини юқори даражада ўтказишга келишиб олинди.

**Ўз мухбирларимиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№55-56 (708-709) 2023 йил 7 июль

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: тараққиёт, инновация ва маърифат ҳафталиги

## унда қурилиш соҳасига оид долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди

◀ 1-бет

Таъкидланганидек, ўтган 6 йил вақт давомида қурилиш соҳасида 537 та техник норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва 255 та ШНҚ, 9 та техник регламент, 273 та стандарт янгиланди. Бундан ташқари, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди.

Шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда "ҳажм" услубидан фойдаланиш амалиёти жорий қилинмоқда. Эксперимент тариқасида 2024 йил дастурига киритилган айрим ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида "ҳажм" услубини қўллаш режалаштирилган ҳамда ушбу усулларни жорий қилиш бўйича тегишли норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Эксперимент натижаси бўйича "ҳажм" услубини қурилишнинг бошқа соҳаларига қўллаш ҳамда қурилиш объектларининг умумий сонида ушбу услуб улушини 2025 йилда 50 фоизгача етказиш кўзда тутилган.

Семинар доирасида Нидерландиянинг шаҳарсозлик бўйича мутахассиси – Жаҳон банки маслаҳатчиси Барт Мускенс мамлакатимизда ўрта шаҳарларни ривожлантириш мавзусида тақдимот ўтказди. У Ўзбекистон аҳолисининг сони ўсиб бориши шароитида ва қишлоқ жойларидан иш ўринларининг катта қисми яратилаётган шаҳарларга унинг миграцияси ортиб бориш тенденциясини ҳисобга олганда республиканинг иқтисодий ривожланишида урбанизация тобора муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан урбанизациянинг комплекс ривожланишида шаҳарларнинг, жумладан, ўрта шаҳарларнинг муҳим иқтисодий марказлар сифатида бир маромда кенгайишига аҳамият бериш лозимлигини таъкидлади.

Халқаро ҳафталиги доирасида ўтказилган кейинги тадбир – "Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган қиёфаси" мавзусидаги анжуман бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мутасаддилари, Жанубий Кореянинг "DL E&C" компанияси вице-президенти Жанг Минсу, "Murad buildings" компанияси асосчиси Мурод Назаров ва бир қатор соҳа мутахассислари иштирок этишди. Анжуман иштирокчилари ўз тақдимот ва фикрлари билан ўртоқлашиш баробарида жўяли таклифлар ҳам беришди.

– Яқиндагина 800 млн долларлик Туркиядаги Чаноқ қалъа лойиҳасини битирдик, – деди Жанг Минсу. – Маблағ бор, аммо қайси лойиҳага пул тикиш ҳақида ўйлаяпмиз. Катта лойиҳага қўл урмоқчимиз. Билишимча, ҳид чиқараётгани сабабли канализацияни шаҳар ташқарисига чиқаришмоқчи экан. Менимча, бу унчалик тўғри фикр эмас. Чунки 10 йилдан кейин шаҳар ташқариси ҳам ҳозиргидек ҳолга тушса, кейин яна кўчирасизми?!. Фикримизча, шаҳар учун энг муҳим нарса айни вақтида қилинган инновация деб ўйлайман. Бу муаммони кўчирмасдан ҳам ҳал қилиш мумкин.









Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон инвесторлар учун очила бошлагандан бери мамлакатда қурилиш ҳажми кескин кўпайгани эътиборга молик. 1991 йилдан 2016 йилгача 2000 га яқин қурилиш пудрат ташкилоти фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 мингдан ошиб кетди. Бу жуда катта рақам. Урбанизация ҳисобига аҳоли сонининг ортиши, инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юкламалар, транспортлар ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тутун-буғларнинг кўпайиши каби бир қатор омиллар шаҳарлар майдонларини кенгайтиришни, одамлар яшаши учун қулай шароитга эга яшил шаҳарлар қуришни тақозо этаяпти.

– Бир нарсани яхши тушунишимиз керакки, биз қурилиш соҳасида янги давр сари қадам қўймоқдамиз, – деди "Murad buildings" компанияси асосчиси Мурод Назаров. – Ҳозирги қурилишлар хамир учидан патир. Ўрганиш ва кузатишларимиз асосида шуни айтишим мумкинки, энг катта лойиҳалар даври энди бошланади. Чет эллик инвесторлар сонининг ошиши ҳисобига маҳаллий инвесторлар учун ҳам шерикчилик муҳити пайдо бўлади. Бу қулай имкониятга барчамиз тайёр бўлишимиз керак.

Дарҳақиқат, биргина 2023 йилнинг ўзидаёқ 90 мингта уй-жой қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борада икки йил аввал бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш ишлари йўлга қўйилди. 2023-2027 йилларга мўлжалланган республика шаҳар, шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастур шакллантирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023 –2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлаш учун киритилган. Ушбу дастур асосида 2023-2027 йилларда 27 та шаҳарларнинг бош режаларига (корректура) тузатиш киритилади, 217 та шаҳарчаларнинг бош режалари ва 518 та қишлоқлар аҳоли пунктлари ҳудудларининг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш тархлари ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, ҳафталик доирасида "2023 – 2028 йилларда Ўзбекистонда қурилиш бозорини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг қурилиш ва коммунал соҳасига дахлдор вакиллари иштирок этиб, соҳани ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Мазкур тадбирда даставвал, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов маъруза қилди. У Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасининг ривожланиш суръатлари, хусусан, модернизация жараёнлари, рақамлаштириш босқичлари ҳақида батафсил тўхталди.

– Ўзбекистонда қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг стратегияси тасдиқланган бўлиб, шаҳарсозлик соҳасидаги эскириб қолган норматив ҳужжатларни замонавий жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш қатъий белгилаб олинган, – деди Шерзод Ҳидоятов. – Жумладан, "Uzbekistan building code" модернизацияси орқали бир қанча аниқ мақсадлар кўзда тутилмоқда. Мазкур модернизация жараёнлари учун Корея қурилиш технологиялари институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, ушбу ишларни мувофиқлаштириш учун 2022 йилда Вазирлик ҳузурида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Бугунги кунда институтда 80 дан ортиқ қурилиш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича илмий ходимлар ҳамда малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, қурилиш объектларида назорат жараёнлари электронлаштирилиб, барча маълумотлар автоматик тарзда шакллантирилаяпти.

Тадбир давомида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов шаҳарсозлик соҳасидаги янгича тизим, такомилига етказилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ШНҚ ва ҚМҚ талаблари, илғор хориж тажрибаси ва технологияси жорий этилган лаборатор илмий тадқиқот жараёнлари ҳақида маълумот берди. Хусусан, рақамлаштириш ҳар бир соҳада инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтириши, солиқ тушумларини "ақлли" шартномалар тузиш орқали кўпайтириш, бюджет харажатларининг очиқлигини ошириши ҳамда ягона электрон платформа орқали хизматлар кўрсатиш имкониятини бериши айтиб ўтилди.

Шунингдек, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими директори ўринбосари Шуҳрат Ҳамдамов дастурий мажмуанинг асосий модуллари ҳақида тақдимот ўтказди. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тизимига республикада фаолият юритаётган 22 мингдан ортиқ ташкилот киритилган. Мазкур ташкилотларнинг рейтинги унинг моддий-техник базаси, рақобатбардошлиги, кадрлар сиёсати, молиявий кўрсаткичлари, соҳа мутахассисларининг иш тажрибаси каби бир неча муҳим факторларни инобатга олган, шунингдек, масъул давлат органларидан маълумотларни онлайн тартибда автоматлаштирилган ҳолда шакллантирилиб борилади.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг "CAMCE" компаниясининг мамлакатимиздаги бош вакили Гуо Зи-Жие, Корея Республикаси "DL E&C" компанияси вице-президенти Жанг Минсу каби хорижлик мутахассислар ҳам сўзга чиқиб, соҳада амалга оширилаётган янгиликлар ҳақида гапиришди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирлар, семинар ва учрашувларда муҳокама қилинган мавзулар келгусида юртимиз қурилиш соҳасини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

**ЖИЗЗАХДАН ДАРАКЛАР**

## Олийгоҳда қуёш панелларидан самарали фойдаланиляпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Муқобил энергиядан фойдаланиш бугунги куннинг энг мақбул танлови эканлигини гувоҳи бўляпмиз. Аҳоли хонадонлари, ташкилот ва корхоналар қаторида ижтимоий соҳа объектлари ҳам босқичма-босқич яшил энергияга ўтмоқда. Жиззах вилоятида Миллий университетнинг Жиззах филиали биринчилардан бўлиб электр энергия таъминотини тўлиқ муқобиллаштириб, қуёш панелларидан самарали фойдаланишни бошлади.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали ҳудудидаги электр энергия сарфини 30 фоизгача тежаш мақсадида 2022 йилда қуввати 20 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган эди. Электр энергияси сарфини камайтириш ва тўловларда сезиларли иқтисодга эришган олийгоҳ жамоаси филиалнинг 280 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойини тўлиқ иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида 10 дона (2000 литр сувни иситишга мўлжалланган) қуёш сув иситиш қурилмасини ҳам ўрнатди. Жорий йилда филиал йиллик электр энергия сарфини ҳисобга олиб, тўлиқ муқобил энергия ҳисобидан қоплаш мақсадида қуввати 110 кВтли қуёш панелларини ўрнатишга эришди.

Ҳозирда филиал ҳудудидаги ташқи ёритиш чироқлари тўлиқ электр тармоғидан узилиб, қуёш панелли ташқи ёритиш чироқларига алмаштирилди. 2023 йилнинг 2-чорагидан бошлаб 130 кВтли қуёш панелли станция "Яшил энергия" платформасига киритилиб, электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Бу дегани, олийгоҳ ўзини тўлиқ энергия билан таъминлаш билан бирга, истеъмолдан ортиғини сотиш имконига ҳам эга. Қарорда белгиланганидек, мазкур олий таълим муассасаси ер солиғи тўлашда ҳам имтиёзга эга бўлди.

## Дўстликда янги кутубхона

**Дўстлик туманининг 4500 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Мевазор маҳалласида янги кутубхона фойдаланишга топширилди.**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашида ташкил этилган жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда ўз лойиҳаси билан ғолиб бўлиб, 50 миллион сўм гранд маблағини ютиб олган "Эл равнақи" нодавлат-нотижорат ташкилоти пулларни халқ маърифатини оширувчи мана шу эзгу ишга сарфлади.

Қисқа муддатда маҳалла биносида ажратилган хона зарур жиҳозлар, техникалар ва 130 номдаги 500 га яқин бадиий, илмий, сиёсий, шахсий ривожланиш ва психологияга оид, шунингдек, диний-маърифий китоблар билан таъминланди. Кутубхонани ташкил этишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Жиззах вилоят бўлинмаси томонидан ҳам зарур кўмак кўрсатилди. Кутубхона маҳалла аҳли эътиборига ҳавола этилар экан, уни янада бойитиш мақсадида "Жиззах овози" газетаси томонидан жиззахлик ижодкорлар асарларидан иборат китоблар тўплами, "Шарқ юлдузи" журнали ва газетанинг бир йиллик нашри тақдим этилди.

## Боғдонда 4 километрли айланма йўл барпо этилмоқда

**Айни кунда Фориш туман автомобиль йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси томонидан туман маркази Боғдон шаҳарчасини айланиб ўтадиган, юк автомобиллари учун 4 километрли айланма йўл қуриш ишлари олиб борилмоқда.**

Аввал қум-тупроқдан бунёд этилган ушбу йўл йиллар ўтган сайин яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Шу сабаб, республикамизнинг турли вилоятларига Фориш тумани орқали ўтадиган барча юк автомобиллари Боғдон шаҳарчасининг марказий Амир Темур кўчаси орқали ҳаракатланиб, тирбандликларга ва бошқа ноқулайликларга сабаб бўлаётган эди.

Айни кунда ушбу йўлни кенгайтириш, қум-шағал тўкиб текислаш ва зичлаш ишлари олиб борияпти. Бу ишлар якунлангач, йўлга асфальт қоплама ётқизилади. Йўлсозлар ушбу йўлга ўрнатилган 2 та катта ва 6 та кичик ҳажмли сув ўтказгичларни ҳам таъмирлашмоқда.

## Кам таъминланган оилаларга янги уй совға қилинди

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Айни пайтда Косон туманининг "Дўстлик" МФЙда "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда. Мазкур ҳудудда 7 та 5 қаватдан иборат уй-жой қурган "Косон Саноат Монтаж" МЧЖ жами 140 та хонадондан 15 тасини кам таъминланган оилаларга совға қилди.**



Янги уй эгалари саховатпеша инсонлардан мамнун. Ўз навбатида, фирма раҳбари ҳам бу қилган яхшилигини Президентимизни тадбиркорларга яратиб бераётган имтиёз ва шароитларга жавоб эканини, келажакда яна шундай саховат тадбирларини ташкил этишдан тўхтамаслигини таъкидлади.

Маълумот учун, массивда 100 та кўп қаватли турар жой, 2 та мактаб, 2 та МТТ, поликлиника, маҳалла биноси ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

# ЕРНИНГ ҲУЖЖАТИ – ЭГАЛИК КАФОЛАТИ



**Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш бугунги куннинг устувор масалаларидан ҳисобланади. Айнан шу мақсадда Президентимиз томонидан 2021 йил 8 июнда имзоланган "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида Наманган вилоят кадастр тизимида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.**

**Фармон ижроси юзасидан амалга оширилган бўйича мухбиримиз Муҳиддин МАҒЗУМОВ Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Қодирхон ҒАППАРОВ билан суҳбатлашди.**

**– Аввало, Фармоннинг мақсади ва унинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.**

– Мазкур Фармонга биноан, 2021 йил 1 августдан бошлаб ер участкалари хусусий секторга – мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиляпти. Бунда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади. Ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади. Барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун вилоят ва шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

**– Бу борада қандай чоралар кўриляпти?**

**–** Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун ер участкаларини шаффоф равишда мулк ва ижара ҳуқуқи асосида очиқ аукцион орқали реализация қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни эса деҳқон хўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида очиқ электрон танлов орқали бериш, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш орқали ерни бозор активига айлантириш каби ишларни жадал суръатларда давом эттиряпмиз. Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни талон-торож қилинишига ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик асосий эътиборимиздаги масаладир. Бунинг учун ахборот технологияларини кенг жорий қилиш йўналишлари бўйича давлат назорати самарадорлигини оширишга катта аҳамият қаратдик. Яъни, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари, Мажбурий ижро бюросининг вилоятдаги ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда иш ташкил қилинмоқда. Мос равишда натижалардан кўнгил тўлади, лекин олдимизда турган вазифалар ҳам бор.

**– Мурожаатларга масъулият билан ёндашиш, уларга ечим топиш – бугуннинг зарурий шартларидан. Аризаларни кўриб чиқиш қониқарлими?**

**–** Аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамиша диққат-марказимизда. Қолаверса, такрорий мурожаатларга йўл қўймаслик учун сайёр қабуллар ташкил этилиб, туманларга, маҳаллаларга чиқилмоқда, масалалар жойида ўрганилмоқда. Бошқармамизга 2022 йилда юридик ва жисмоний шахслардан жами 3 540 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу 2021 йилга нисбатан 204 тага кўпайган. Демак, бу аҳоли ва тадбиркорлар томонидан ер муносабатларида ер майдонларига ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга бўлган талаб ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Барча мурожаатлар раҳбарлар ва мутахассислар томонидан жойида ўрганилиб, улардан 2 014 таси ижобий ҳал қилинди ва 1 526 та ҳолатда фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар ҳамда тегишли маслаҳатлар берилди. Туманларнинг чекка ва чегара ҳудудларида ўтказилган (15 та) сайёр қабулларда 575 та мурожаатдан 322 таси жойида ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий тушунчалар берилди. Шунингдек, 2023 йилнинг 4 ойи мобайнида ўтказилган 5 та сайёр қабулда 175 та мурожаатдан 122 таси ҳал қилиниб, 53 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Кадастр маълумотлари базасини юритиш мақсадида Кадастр агентлигининг "Кўчмас мулк-3" интеграциялашган ахборот тизими орқали 600 мингга яқин кўчмас мулкни атрибутив маълумотлари ҳамда 612 мингдан ортиқ мулкдор тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилди. Натижада юридик ва жисмоний шахсларга тез ва сифатли кадастр хизмати кўрсатиш имконияти яратилди. Бошқача айтганда, авваллари 20-25 иш кунида бажариладиган кадастр хизматлари эндиликда 2-7 кунда ҳал қилинмоқда. 2022 йил давомида "Хонадонбай" усулида иш ташкил қилиниб, ҳисобда бўлмаган 20 мингдан ортиқ, 2023 йилнинг 4 ойида эса 5 мингдан зиёд кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилди.

**– Ер майдонларини ижарага беришда очиқ электрон савдода шаффофлик қандай таъминланади?**

**–** Жараёнларнинг ҳаммаси электрон усулда амалга оширилади. Бунда инсон омили минимумлашади. Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш юзасидан 2022 йилда ва 2023 йилнинг 4 ойи давомида фермер хўжаликлари ва кластерлардан захирага олинган 17 247 гектар ер вилоят ҳокимининг тегишли қарорларига ҳамда туман ҳокимликларининг буюртма хатларига асосан, туман ҳокимликлари номига Давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур ер майдонлари 99 505 та лотларга бўлиниб, очиқ электрон савдога чиқарилди. Танловда ғолиб бўлган 91 818 нафар фуқарога деҳқон хўжаликларини юритиш учун ижара шартномалари расмийлаштирилиб, Давлат рўйхатидан ўтказилди ва 180 000 дан зиёд иш ўрни яратилди.

2022 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришда Давлат хизматлари ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари марказлари орқали 3696 та буюртма (674,6 гектар) "Yerxususiylashtirish" автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилди. 2023 йилда бу кўрсаткич 760 та (504,2 гектар)ни ташкил қилди. Шунингдек, "Yerelektron" автоматлаштирилган ахборот тизимига 9066 та (224,8 гектар) ер участкаси киритилди. Бугунги кун ҳолатида 2478 та (71,4 гектар) ер участкаси (2 227 та мулк ҳуқуқи ва 251 та ижара ҳуқуқи билан) "E-Ijro auksion" электрон савдо майдончасида турибди. Шу тариқа тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ер майдонлари ажратилишида шаффоф тизим шакллантирилди.

**– Кадастр паспортини расмийлаштириш учун қанча вақт керак?**

**–** Юридик ва жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар жойларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун "Davreestr Pro2" дастури орқали электрон тарзда тез ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Натижада, авваллари 20-25 кунда бажарилган ишларга эндиликда 3-5 кун кифоя қилади. Ҳисобот даврида ҳужжатларни расмийлаштириш учун жами 86 322 та мурожаатдан 58 243 таси ижобий ҳал этилди, 1 991 таси ижро этилиб, тўлови кутилмоқда. Ҳуқуқий ҳужжатлардаги камчиликлар, нотўғри ёзувлар, низолар сабабли 23 455 таси рад этилди. Бошқача айтганда, буларнинг 10 811 таси кўп қаватли уйдаги хонадонлар, 15 064 таси нотурар жой ва 51 624 таси якка тартибдаги турар жой объектлари ҳамда 8 386 таси ер участкаларидир.

2022 йилда 308 077 та кўчмас мулк объектидан 307 515 таси хатловдан ўтказилди. Шундан 4 757 таси давлат рўйхатидан ўтганлиги, 133 525 тасининг ҳуқуқий ҳужжати мавжуд, бироқ рўйхатдан ўтмаганлиги, 169 233 тасининг эса ҳужжати мавжуд эмаслиги аниқланиб, электрон базаси шакллантирилди. 2023 йил май ойига қадар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг 75 451 та мурожаати ўз вақтида ижобий ҳал этилди. Вилоятимиздаги 3 387 километр узунликдаги 2 946 гектарда жойлашган автомобиль йўллари "UZKAD" тизимида давлат рўйхатидан ўтказилди.

**– Ходимлар учун қандай шароит ва имкониятлар яратилгани тўғрисида ҳам гапирсангиз.**

– Бугунги кунда тизимимизда 510 нафардан ортиқ ходим фаолият олиб бормоқда. Қувонарлиси, жамоанинг асосий қисмини ёш мутахассислар ташкил қилади. Якунланган йилда вилоят бошқармаси туман ва шаҳар филиалларига мутахассислиги бўйича 43 нафар ходим ишга қабул қилинди. 71 нафар раҳбар ва мутахассис малакасини оширди. Яна бир қувончли янгилик шуки, яқинда Чортоқ туманида кадастр бўлими ва филиали учун янги бино фойдаланишга топширилди. Фуқаролар ва тадбиркорларга тез ҳамда сифатли кадастр хизмати кўрсатиш учун замонавий шароитлар яратилди. Асосий мақсадимиз эса халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиб, уларнинг розилигига эришишдир.

**– Мазмунли суҳбат учун ташаккур.**

# Тизимда автоматлаштириш жараёни қандай кетмоқда?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, фармон ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда рақамли трансформация дастури ишлаб чиқилган.**

Дастур доирасида электр станциялар фаолиятини марказлашган ҳолда масофадан онлайн назорат қилиш мақсадида ситуацион-мониторинг маркази ташкил этилди. Марказ реал вақтда иссиқлик электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнини онлайн мониторингини олиб бориш, электр энергияси ишлаб чиқарилиши учун шартли ёқилғи сарфи, унинг захираси назоратини юритиш, авариявий ҳолатлар олдини олиш мақсадида станцияларда ташкил этилган масъул ходимлардан иборат, куну тун фаолият юритувчи қўшимча навбатчилик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини олиб бормоқда.

Натижада, истеъмолчиларга барқарор энергия ресурсларини етказиб бериш, электр ва иссиқлик энергияси нархининг ошишига йўл қўймаслик мақсадида, ёқилғи сарфини камайтириш, операцион самарадорликни таъминлаш бўйича 2022 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 1,36 трлн сўмга пасайтирилди. Бунда белгиланган режа 118,3 фоизга бажарилди. Шунингдек, "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида молия-бухгалтерия ҳисобини юритиш, омборларда товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш, шартномаларни расмийлаштириш жараёнларини автоматлаштириш ва кадрлар иш самарадорлигини юритиш мақсадида 1:С "enterprice" платформаси асосида рақамлаштирилган ишлаш тизими ташкил этилган.

Корхоналарда товар-моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳаракатини кузатиш бўйича давлат солиқ органларининг "E-aktiv" (E-ombor) автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилган. Ушбу рақамлаштирилган тизим воситасида "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ва унинг таркибига кирувчи барча корхоналарда товар-моддий ресурслар ҳаракатини масофадан онлайн ҳисобини юритиш, ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш имконияти яратилди.

Айни пайтда "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ва унинг тизим корхоналарида молиявий, хўжалик ва ташкилий жараёнларни мониторинг қилиш ҳамда бошқариш тизими (ERP)ни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа JICA – Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Mitsubishi компанияси экспертлари иштирокида олиб бориляпти. Хусусан, ушбу ишлар Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида тўлиқ йўлга қўйилиб, молиявий, хўжалик ва ташкилий жараёнларни мониторинг қилиш ҳамда бошқариш имконини бермоқда.

Рақамлаштириш технологиялари электр станцияларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимига ҳам жорий этилмоқда. Айни пайтда Тахиатош ИЭС, Тўрақўрғон ИЭС ва Толимаржон ИЭСларида атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларидан намуна олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўрнатилган автоматик станцияларни аҳоли яшаш манзилларига туташ ҳудудлардаги стационар кузатиш пунктлари ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинди.

Бир сўз билан айтганда, тизимда амалга оширилаётган бу ислоҳотлар келгусида ўз самарасини бериб, корхоналар фаолиятини янада барқарорлаштиришга хизмат қилади.

# Туризм техникуми учун замонавий бино

**Самарқанд туризм ва маданий мерос техникумининг капитал таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди.**




Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда "Ипак йўли" халқаро туризм ва маданий мерос университети ректори, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов иштирок этди ва юртимизда туризм соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги "2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан Самарқанд туризм ва маданий мерос техникумининг 11 блокдан иборат ўқув биносида қарийб 12 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда ўқув муассасасида туризм, сервис ва туризм, меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш, нон, нон маҳсулотлари, қандолат ва макарон ишлаб чиқариш, аэропорт хизматлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сартарошлик санъати, маданий мерос объектларини сақлаш ва уларни таъмирлаш устаси касб ва мутахассисликлар бўйича таълим йўлга қўйилган.

2022/2023 ўқув йилда техникумда 443 нафар ўқувчи 21 гуруҳда кундузги, дуал ва сиртқи таълим шаклида таҳсил олмоқда. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиёти туризм соҳаси корхона ва ташкилотларида ўтказилмоқда.

Бу борада "Silk road" Самарқанд туристик маркази, "Sogdatur", "Emirxan tur servis" туристик ташкилотлари, "Renesans Dizayn" ХК, "Жомбойдон" МЧЖ, "Mone", "Ideal", "AVESTO SWEETS" қандолат уйлари, "Movenpic", "Dilimax", "Шабода" меҳмонхоналари, "AIR MARAKANDA" МЧЖ, вилоят маданий мерос объектлари реставрация маркази каби корхона ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, деб ёзади ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов.

Шунингдек, хорижий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳам таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича ҳамкорликда дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу йилнинг март ойида техникум билан Болгариянинг "Смарт Тур" компанияси ўртасида имзоланган меморандумга асосан техникум ўқувчилари ёзги таътил даврида Болгариянинг Варна шаҳридаги меҳмонхоналар ҳамда ресторан-кафеларда стажировка ўтайди. Ҳозирда 2 нафар ўқитувчи ҳамда 16 нафар ўқувчи ушбу шаҳарда 3 ойлик амалиётда қатнашмоқда. Бу даврда уларга иш ҳақи ҳам тўланади. Шу каби халқаро алоқалар Жанубий Корея, Германия, Туркия давлатлари билан ҳам йўлга қўйилмоқда. 2022/2023 ўқув йилида техникумни яхши ва аъло баҳоларга тугатган 20 нафар ўқувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 августдаги 466-сонли қарорига асосан ўз мутахассислиги бўйича олий таълим муассасаларининг мос бакалавриат йўналишига 2-курсдан ўқишини давом эттириш учун педагогик кенгаш томонидан тавсия этилган.

# Равон йўллардан обод манзиллар сари

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқанд вилоятининг чорвадорлар юрти – Нуробод туманида аҳолининг фаровон яшаши учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш бугуннинг долзарб вазифасига айланган. Шу кунларда ўнқир-чўнқир кўча ва йўлларни тартибга келтириш ҳамда пиёдалар учун йўлакчалар барпо этишга катта эътибор қаратимоқда.**



Бунда вилоят ҳокими ташаббус кўрсатиб, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган бунёдкорликлар таҳсинга сазовор. Ана шундай саъй-ҳаракатлардан бири, 4N – 639, 4N – 560 автомобиль йўлларининг таъмирланаётганидир. Ҳокимнинг топшириғи билан туман марказига олиб борувчи бу йўллар равонлашиб, одамлар қалбига чинакам қувонч бағишлади.

"Нуробод туман йўлларидан фойдаланиш" унитар корхонаси ишчи-хизматчиларининг жонбозлиги туфайли Чорвадор, Ўртабўз, Олға, Меҳр, Тошқудуқ, Ҳазармали маҳаллаларидан ўтувчи 34 км масофадаги ички йўл ҳам тўлиқ жорий таъмирланиб, қора қопламали асфальт ётқизилди. Бу вазифани бажаришда корхонанинг барча ходимлари муносиб улуш қўшганликларини айтиш жоиз. Улар қисқа фурсатда мавжуд техникалардан унумли фойдаланишга эришишди.

Йўлни фойдаланишга топшириш ҳам қувончли тадбирга айланди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш бош мақсадга айланаётгани, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги амалда юксалаётганлигини мамнуният билан таъкидлашди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№55-56 (708-709) 2023 йил 7 июль

# Бошқарув компаниялари ривожи – ФАРОВОНЛИК РИВОЖИ



**Бугун бошқарув компанияларининг вазифалари нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида 2022 йил 1 июлга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 1 227 та кўп квартирали уй-жойлар бошқарувчи ташкилотларга бириктирилиши айтилган эди. Илгари халқ тилида ЖЭК (жилищно-эксплуатационная контора) дея юритилиб, бугун ҳудудларда фаолият юритиб келаётган бошқарув компаниялари ўзини нечоғли оқламоқда? Ушбу компанияларнинг вазифалари нималардан иборат? Нега аҳоли томонидан бошқарув компанияларига нисбатан эътирозлар билдирилмоқда? Шу ва бошқа сабабларга ойдинлик киритиш мақсадида биз Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Обиджон МЎМИНОВ билан суҳбатда бўлдик.**

**– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2022 йил 1 июлга қадар амалга ошириладиган лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган 1 227 та кўп квартирали уй-жойлар бошқарувчи ташкилотларга бириктирилиши керак эди. Бироқ қарорда белгиланган ишлар тўлиқ бажарилаётгани йўқ. Бунинг сабаби нимада?**

– Мазкур қарор билан кўп қаватли уйларни бошқаришда янгича тизим жорий этилди. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, авваллари уй-жойларни бошқарувчилар уй-жой ширкатлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган. Ширкат бир неча уйларнинг мулкдорларини йиғиб ташкилот тузган ҳолда ана шу уйларни бошқарган. Шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари уйларнинг техник ҳолатини сақлаб туриш билан бевосита ўзлари шуғулланишган. 2021 йилдан бошлаб Бошқарув сервис компанияларини ташкил этган ҳолда, бу жараёнга тижорат мақсадларини жалб этишга киришилди. Ширкат ва бошқарув компанияларининг фарқи шундаки, биринчи навбатдаги мақсад – соҳага профессионал мутахассисларни жалб қилиш, бунинг орқасидан даромад топиб, рўзғор тебратаётган ташкилотларни бозорга киргизишдан иборат эди. Ушбу ташкилотлар шу фаолият тури орқали даромад топгач, кўрсатаётган хизматларининг сифатли ва самарадор бўлишига ҳаракат қилишади.

Президентимизнинг қайд этилган қарори билан мамлакатимиздаги 15 та ҳудуд танлаб олиниб, уларда аввалги ширкатлар тугатилди, ўрнига бошқарув сервис хизматлари жорий этилди. Бу тажрибани 2021 йилда синаб кўрганимизда, ширкатлардан қолган 500 миллион сўмга яқин кредитор қарздорлик йўқ қилинди. Булардан ташқари, ишчи кучи 2 баробарга оширилди. Ширкатларда аввал фаолият юритган ходимларга қўшимча равишда мутахассислар жалб этилди. Чилангар, электрик каби мутахассислар эндиликда 2 миллион сўмга яқин маош олишларига шароитлар яратилди. Шунинг ҳисобига хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортди. Бу синов ишлари ўз самарасини бергач, тизимни республика бўйлаб оммалаштиришга қарор қилинди. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз миқёсида 814 та Бошқарув сервис компаниялари ташкил этилди.

2021 йилда 4 мингга яқин ширкатлар 37 мингга яқин уйларга хизмат кўрсатарди. Натижада кўп уйлар қаровсиз қолиб, хизмат кўрсатиш сифати сустлашиб кетганди. Мулкдорлар ўз квартирасининг эгаси ҳисобланади. Бироқ, квартирадан чиққач йўлак, подъезд ва том қисмлари, ертўлалар умумий мулк ҳисобланади. Шу сабаб мана шу умумий мулк бир мезон асосида бошқарилиб, эксплуатация қилиб турилмаса, унинг эскириш даражаси тезлашади. Тўғри, хизмат кўрсатиш даражаси паст компаниялар ҳам борлиги сабабли Бошқарув сервис компанияларига нисбатан кўпчиликнинг норозилиги мавжудлиги бор гап.

Соҳага тижорат мақсадларда Бошқарув компанияларининг жалб этилиши жараёнлари энди самарасини беради. Давлатнинг асосий вазифаси айнан мазкур бозорда рақобатлаша оладиган компанияларга имконият яратиб беришдан иборат. Яъни, Бошқарув сервис компаниялари ҳам ўзаро рақобатлаша олишлари лозим бўлади. Бошқарув сервис компаниялари, ширкатлар ва давлат томонидан бошқарилса, кўп хонадонли квартиралар албатта яхши натижа беради. Бугунги кунда ширкатларнинг барчаси ҳам тугатилгани йўқ. Сабаби, улар орасида ўзининг самарали фаолияти билан халқимизга хизмат қилаётганлари бор. Соҳага тижорат мақсадлари олиб кирилганининг сабаби шуки, 1990 йилларда хусусийлаштириб берилган кўп квартирали уй-жойларни бошқариш ЖЭКлар зиммасида бўлган. 1993 йилда Квартираларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун чиққач, босқичма-босқич аҳолига умумий мулк ҳам топшириб борилган. Бироқ, бу ўринда бир жиҳат инобатга олинмаган. Соҳани тушунадиган ва аксинча тушунмайдиган мулкдорлар бўлган. Шу сабаб ширкатларга уйларни топшириш вазифаси қўйилиб, мулкдорларни аҳолининг ўзи ташкил этган эди. Раҳбарни, ходимларни ўзи танлаган. Ойлик маошларни ҳам аҳоли белгилаган. Ҳаттоки, смета ҳужжатларини аҳолининг ўзи ишлаб чиқиб, уйларнинг том қисмини, йўлакларни ёки бошқа жойларни таъмирлаш учун сарфланадиган маблағни ҳам аҳоли белгилаган. Мулкдорлар орасида ҳамма ҳам соҳани тушунавермайди. Шу сабабли ҳам ширкатлар ташкил этилганди. Ширкатлар кутилган самарани бермади. Ширкатларнинг асосий вазифаси фақатгина аҳолидан коммунал тўловларни олишдан иборат бўлиб қолди.

**– Демак, уларнинг устидан назорат ишлари амалга оширилмаган экан-да?**

– Ширкатлар тўғрисидаги қонунга кўра, улар нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган. Нодавлат нотижорат ташкилот устидан назоратни унинг таъсисчиси, яъни аҳолининг ўзи бевосита назорат қилиши керак.

**– Масъул идора вакиллари томонидан аҳолига тушунтиришлар берилмаса, менимча, албатта аҳоли ўртасида эътирозлар келиб чиқади.**

– Ўтиш даврида амалиёт билан биргаликда тарғибот тадбирларини ҳам амалга ошириш зарур деб ўйлайман. Чунки, аҳоли бу хизматлар, қонунчилик борасида тасаввурга эга бўлмаса, бевосита тушунмовчиликлар ва низолар келиб чиқаверади. Аҳолининг ўзи ҳам қизиқиш билдириши керак. Давлатимиз раҳбари томонидан биз соҳа вакиллари олдига яна қатор вазифалар белгилаб берилди. Бундан кейин тарғибот тадбирларига эътибор катта бўлади. Ҳар бир маҳалла, кўчада аҳоли ўртасида тарғибот ишлари амалга оширилади. Бугунги кунда эътибор берадиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп чиқишлар ва тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Ижтимоий тармоқларда ҳаттоки, вазирлик мутасаддилари жойларга чиқиб, маҳаллаларда юриб, муаммоларни ўрганишмоқда. Ўз навбатида қонунчилик жараёнлари ҳам аҳолига тушунтириб борилмоқда. Бу каби ишларни янада ривожлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари кўмагида турли ижтимоий роликлар тайёрлаб, радио, телевидение, интернет тармоқлари орқали тарғибот тадбирларини олиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

**– Аввалги ЖЭКлар нима учун тугатилди ва ҳозирги кунда ташкил этилган БСКларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

– Аввалги ЖЭКлар ва ҳозирги БСКларнинг вазифаси ягона – уйларни лозим даражада эксплуатация қилиш. Кўпинча ҳудудлар ва пойтахт туманлари бўйлаб ўрганишлар олиб борганимизда, аҳолидан кўплаб савол ва мурожаатлар келиб тушади. Очиғини айтиш керак, Тошкент аҳолисининг ҳуқуқий маданияти анча юқори. Айрим фуқароларимиз эса квартира меники, лекин нима учун мен яна кимгадир пул тўлашим керак деган эътирозларни билдиради. Аслида кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган кундан бошлаб эксплуатация бошланиши керак.

**– Яна ҳам аниқроқ қилиб тушунтириб берсангиз. Айтайлик, кўп қаватли уйлар қурилди ва аҳоли нима учун пул тўлаши керак?**

– Масалан, Янгиҳаёт туманида “Янги Чоштепа” массиви барпо этилди ва кўп қаватли уйларнинг барчаси янгидан қурилди. Уйларда кириш йўлаклари, лифтлар, насос қурилмалари бор, янги замонавий уйларда иситиш тизимлари, премиум уйларда эса ҳаттоки совутиш тизимлари ҳам умумий тартибда. Ушбу жиҳозларнинг барчасида механизмлар, масалан двигателлар мавжуд. Улар тўхтамай ишлайди. Бордию улар носоз ҳолга келиб қолса, албатта таъмирланади. Кириш йўлакларидан ҳар куни фуқаролар кириб чиқадилар. Биргина мисол, ертўла қисмларида қувурлар ёрилиб кетиши ва унга қаралмаслиги натижасида моғорлар пайдо бўлади. Бу ўринда сувларни насос ёрдамида чиқариб ташлаш, ерни дезинфекция қилиш чора-тадбирлари амалга оширилиши керак. Айнан шу вазифаларни ширкатлар ҳамда БСКлар амалга оширмоғи даркор.

**– Қайси маблағ эвазига?**

– Кўп қаватли уйларда қандайдир носозликлар ва муаммолар юзага келса, ҳаммаси мулкдорлар томонидан тўланадиган мажбурий бадаллар ҳисобига бартараф этилади. Кўпчилик фуқароларимиз шартнома тузилмаганини важ қилиб мажбурий тўлов ва бадалларни тўлашдан бош тортадилар. Бу борада қонунчиликда кўп қаватли уйларнинг мулкдори ўзи эгаллаб турган майдонига пропорционал равишда умумий мулкни сақлашга жавобгар, деб ёзиб қўйилган. Сақлаш дегани фақат таъмирлаш эмас, балки тозалаш, профилактика ишларини амалга оширишнинг барчаси сақлашга киради. Уларга кетадиган харажатларнинг барчаси мулкдорлар ҳисобидан қопланади. Нархларга келсак, ҳар йили нуқсон далолатномаси тузилади. Кўп қаватли уйларда электр ва бошқа хизматларнинг бир йиллик ҳаражатлари ҳисоблаб чиқилади. Бу харажатлар 12 ойга бўлиниб, ҳар бир хонадондаги 1 квадрат метрга нисбати олинади. Дейлик, квартиралар 1000 квадрат метр бўладиган бўлса, ўша хонадонларнинг квадратига бўлинади. Агар квартираси 50 квадрат метр бўлса, бу мулкдор 50 минг сўм тўлайди, 100 квадратли хонадонда яшовчи фуқаро эса 100 минг сўм пул тўлайди.

**– Бошқарув сервис компаниялари қай тартибда ишлайди? Улар ҳудудда маълум бир жойда ўтириб фаолият юритадими ёки махсус идораси борми? Аҳолига тушунарли бўлиши учун батафсил тўхталсангиз...**

– Бошқарувчи ташкилотларнинг ўтириб ишлайдиган идоралари бор. Бироқ, бугунги кунда бу идоралар етишмайди. 814 та бошқарув ташкилоти бўлса, уларнинг бор-йўғи 179 тасида ўз иш идораси бор. Кўпгина БСКларда бинолар йўқ. Бугунги кунда соҳага эътибор анча юксалиб боряпти. Шу сабабли ҳам ҳудудларда сектор раҳбарлари билан биргаликда бошқарув компаниялари учун бинолар қурилмоқда. Ушбу бинолар кўп қаватли, бетонлар ёрдамида эмас, аксинча енгил конструкцияли кўчириш, демонтаж қилиш мумкин бўлган бинолардир. Тошкент шаҳри бу борада етакчилик қилади. Бир йил давомида пойтахтда 58 та шундай бинолар топширилди. Бу компаниялар фаолияти билан танишсангиз хизмат кўрсатиш сифати ҳам юқори, аҳолига қилаётган муносабати ҳам бошқача эканига гувоҳ бўласиз. Қолган компаниялар бирон-бир ташкилотнинг биносида ёки маҳаллий ҳокимият тақдим этган биноларда ижара асосида фаолият юритиб келмоқда.

**– Бугун кўп квартирали хонадонлар кираверишида қисмида кузатув камералари ўрнатилганидан хабаримиз бор. Мазкур камералар вилоятларда бўлмаса-да, пойтахтда кўп. Лекин уларнинг ишламаслиги ҳам рост гап. Уларнинг ишлашини ким назорат қилади? Бу борада БСКларнинг низомига қандайдир бандлар киритилганми?**

– Йўқ. Бу кузатув камералари қўшимча хизмат ҳисобланади. Кузатув камераларининг асосий вазифаси аҳолининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Асосийси, биноларда ёнғин талабларига, санитар хавфсизлик талабларига ва энг асосийси инсонларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун зарур эҳтиёжларни таъминлашдан иборат. Бу ўринда камералар хизмати назарда тутилмагани боис фуқаролар ўз ташаббуслари ва алоҳида йўналтирилган маблағи асосида камераларни компаниялар ёрдамида ўрнатишлари мумкин бўлади.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Наргиза МИРЁҚУБОВА ёзиб олди.**

# Аҳоли ишончини қозонган ташкилот

**Азиз МАШРАБОВ,** “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Коммунал хизматлар аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилувчи энг муҳим соҳалардан саналади. Бугунги кунда аҳолини замонавий ва сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш даражасини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз шаҳридаги маҳалла ва кўчаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишиб, ҳар бир манзилни файзли ва кўркам ҳудудга айлантириш лозимлигини таъкидлади.**

Ўрганиш давомида ҳududдаги кўп қаватли турар жойларнинг фасад ва том қисмларини таъмирлаш, замонавий кўринишга келтириш ишлари кўздан кечирилиб, уларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари билан учрашув ҳам ўтказилди. Бошқарув сервис компанияларининг фаолиятини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида уларга 15 турдаги зарур жиҳоз ва воситалар ҳамда мотороллерлар топширилди.



Ўзига тегишли ҳудуддаги кўп қаватли уйларга муносиб равишда хизмат кўрсатиб келаётган БСКлардан бири – Термиз шаҳрида фаолият юритаётган “Темур-Термиз сервис” профессионал бошқарув компаниясидир.

...Баҳриддин ака кўп квартирали хонадонда яшайди. Бир неча йил аввал ўзи истиқомат қиладиган уйдаги канализация қувуридан сув оқиши қўшнилари қатори унга ҳам ноқулайлик туғдирди. Муаммони бартараф этишини сўраб уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаат қилди. Уларнинг “Ана борамиз, мана борамиз, маблағ топилса, тузатамиз”, деган баҳоналари билан йиллар ўтди. Охири, Баҳриддин ака хонадонини сотиб, бошқа жойга кўчиш орқали бу муаммодан қутилди. Аммо яқинда янги уйида сув қувури билан боғлиқ кичик кўнгилсизлик юзага келди. Минг иккиланиш билан ҳудуддаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатадиган бошқарув сервис компаниясига қўнғироқ қилган эди, 15 дақиқага қолмай, мутахассис етиб келди. Бир соат ичида юзага келган муаммо бартараф этилди.

Дарҳақиқат, бошқарув сервис компанияси кўп қаватли уйларда ташкил этилаётган янги хизмат кўрсатиш шаклларидан бири. У моҳиятан мулкдорлар ширкатининг бир кўриниши бўлсада, олдига қўйилган мақсад ва вазифалари, иш услуби жиҳатидан эски тизимдан фарқ қилади. Шу жумладан, “Темур-Термиз сервис” корхонаси ҳам ўзига бириктирилган 21 та кўп қаватли уйдаги умумий мулкни таъмирлаш, соз ҳолатда ишлашини назорат қилиш, уй атрофини ободонлаштириш каби ишларга масъул.

Термиз шаҳридаги Юлдуз маҳалласида жойлашган ушбу бошқарув компанияси фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида манзил томон боракканмиз, хаёлимизга ширкат раислари ўтирадиган кичик ва зах хона ёки ертўла келди...



Аммо, кўриниши замонавий, ҳовлиси озода, ўзгача дизайнда барпо этилган бинога кириб кўнглимиз ёришиб кетди. Унда иш қизғин. 24 соат ишлайдиган диспетчер хизмати мурожаатларни қабул қилиб, муаммонинг турига қараб ходимларни йўналтириш билан банд. Корхона томонидан кўп қаватли уйлардаги барча умумий мулкка, хусусан, том қисмини таъмирлаш, кириш йўлакларини янгилаш, иссиқлик қувурларини алмаштириш, эшик ва ойна ромларини ўрнатиш, фасад қисми, ички муҳандислик ва коммуникация тармоқларини тузатиш ҳамда атрофни ободонлаштириш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик.

– Одамлар ишдан чарчаб уйига келганида, хонадони тинч, сув, газ, электр қувватида муаммо бўлмаса, кўча, даҳлизлар озода, томидан чакки ўтмаса, мана шу энг муҳими, – деди БСК раҳбари Татьяна Рўзиева. – Бизнинг мақсадимиз ҳам аслида шу – катта-кичик муаммолар аҳоли кайфиятини бузмаслигини таъминлашдан иборат. Узоқ йиллар ширкат раиси бўлган танишларим бор. Доим маблағ масаласи муаммо бўларди, техникалар етишмасди, деб нолиганларини кўп эшитганман. Ҳозир бошқарув компанияларига жуда катта имкониятлар берилмоқда. 3 та ширкатни бирлаштирган бўлсак, аввал уларнинг ҳар бирида алоҳида раис, алоҳида ҳисобчи, сантехник – жами 20 нафар ходим ишлаган. Тушум камлиги ҳисобига ойлик маош ҳам оз бўлган. Ҳозир эса бизда 8 нафар ходим бор. Энг яхши ишчиларни саралаб олиб, уларга олдингидан кўп маош тўлаяпмиз. Зарур асбоб-ускуналар, керакли материаллар захираси мавжуд. Мурожаатчи ярим тунда қўнғироқ қилса ҳам, тонг отишини кутмасдан, ўша заҳоти авария ҳолатини бартараф эта оламиз.

Бошқарув компаниясини ташкил этишнинг талабларидан бири ҳам бино ҳамда техник базага эга бўлиш ҳисобланади. Бундай компаниялар фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолининг коммунал хизматларни замонавий ва қулай шаклда амалга оширишини таъминлаш мақсадида “Менинг уйим” электрон биллинг тизими жорий этилиб, тест режимида ишга туширилган. Эндиликда, кўп квартирали уй-жойлар тўғрисидаги маълумотлар базаси мазкур тизимга киритиб борилмоқда.

“Темур-Термиз сервис” профессионал бошқарув компанияси ҳам ана шу тизимга уланган. Бу одамларга барча турдаги тўловларни уйда ўтирган ҳолда, электрон платформа орқали амалга ошириш имконини бермоқда. Компаниянинг мақсади аҳоли учун барча қулайликларни яратиб беришга қаратилган. Асосийси, сервис корхонасида ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди, тез фурсатда ҳал этилади. Ўз вақтида олиб борилаётган хизмат кўрсатиш ишлари натижасида бугунги кунда Юлдуз маҳалласи аҳолисининг мурожаатлари аввалгидан 3-4 баробар камайган.

– 29 йилдан буён шу ерда истиқомат қиламан, – деди кўп қаватли хонадонларнинг бирида яшовчи Гузаль Сагитова. – Маҳалламизда охирги йилларда ўзгаришлар катта. Кўчалар обод, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари ва ертўлалар тоза. Олдинлари ертўлаларда сув тошиб, ҳидланиб ётарди. Мулкдорлик ширкатлари масалани узоқ вақтда ҳам ҳал қилиб бермасди. Янги бошқарув компанияси биринчи навбатда, нотекис йўлларимизни асфальт қилиб берди. Кириш йўлаклари, канализация ва сув тармоқлари таъмирланди. Иситиш даврида барча назорат ишлари ўз вақтида амалга ошириляпти. Бирор муаммо чиқса, тўғри компанияга мурожаат қиламиз.

Демак, ишонч билан айтадиган бўлсак, бу тизим ўзини оқламоқда. Бошқарув компаниялари сифатли хизматлари билан одамлар ишончига кириб боряпти. Асосийси, кўп қаватли уйлар обод бўлиб, аҳоли мурожаатлари тезкор ечим топмоқда.

# Янги тизим ўзини оқламоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қуйи Чирчиқ туманида бир неча ўн йиллар аввал қурилган кўп қаватли уйлар қаровсизлик туфайли абгор ҳолга келиб қолганди. Айниқса, икки қаватли турар жойларнинг ертўлалари, кириш йўлаклари куз-қиш мавсумида сувга тўлиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Ширкатдагилар эса бу муаммони бартараф этишга ҳаракат қилмади. Оқибатда, уйларнинг ташқи фасадларидаги сувоқлар нураб, ертўлаларда турли хил ҳашаротлар кўпайиб, сув узаткич қувурлари ҳам бирин-кетин чириди, хонадонларга сув чиқмай қўйди.**

Бундай ҳолат одамларни ширкатларга нисбатан ишончини йўқотиб, кайфиятига салбий таъсир ўтказгани ҳамда айрим ишларга хизмат кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар вақтида амалга оширилмагани туфайли ҳудуддаги олтмишдан ортиқ кўп қаватли уйларни ўзида жамлаган учта ширкатнинг коммунал хизматлардан қарздорлиги бир неча миллион сўмдан ортиб кетди. Аҳоли дардини кимга айтишини билмай юрган кезда Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарори бундан кейин мазкур соҳадаги аҳвол тубдан ўзгаришига имкон яратди.

Мазкур қарорга кўра, кўп йиллар коммунал хизматлар соҳасида меҳнати синган Бахтиёр Рустамов раҳбарлигидаги "Doʻstobod clean citi" МЧЖ бошқарув компанияси фаолияти ташкил этилди. Дастлаб, 53 та кўп қаватли уйлардаги 628 та хонадонда истиқомат қилувчилар билан ўтказилган йиғилишда компаниянинг мақсади ва аҳолига хизмат кўрсатиш юзасидан ишлаб чиқилган режалар батафсил тушунтирилиб, фаолиятни кенг шакллантириш учун яна нималарга эътибор қаратиш кераклиги юзасидан уларнинг таклифлари ўрганилди. Шундан сўнг, фуқароларнинг розилиги билан ишга киришилди.

Орадан бир йил вақт ўтди. Аҳоли билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиб, маслаҳатли иш тутилса, ҳар қандай муаммога ўз ўрнида ечим топиш мумкинлигини мазкур компания жамоасининг қисқа даврда амалга оширган ишлари мисолида кўрса бўлади. Йиллар давомида таъмирталаб бўлиб ётган кўп квартирали уйларга режа асосида босқичма-босқич ишлов берилиб, кириш йўлаклари талаб даражасига келтирилди ва эскириб, муддатини ўтаб бўлган эшик-ромлар замонавийсига алмаштирилди. Барча уйларнинг атрофи ободонлаштирилиб, ноқонуний қурилган турли қурилмалар олиб ташланди ва уларнинг ўрнида катталар ҳамда болалар шуғулланишига мўлжалланган спорт майдончалари барпо этилди.

Жумладан, Навқирон кўчасида жойлашган 14- ва 16-кўп қаватли уйларнинг том қисми тўлиқ таъмирланиб, чакки ўтмаслиги кафолатланган бўлса, "Беруний" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 6-уйда яшовчилар учун алоҳида ҳожатхона қурилди ҳамда 200 метрга ишлов берилиб, тоза ичимлик сув келтирилди. Доимий равишда сув босадиган А. Навоий номли маҳалланинг Пахтазор кўчасидаги 31-уйнинг ертўласи тозаланди ва канализацияси янгиланди. 2-, 21-, 17- ва 1-уйларнинг 400 квадрат метр томлари янгиланиб, фасад қисми таъмирланди.

Булардан ташқари, кўп қаватли уйлар жойлашган 16 та ички кўча юз фоиз асфальтланиб, одамлар ва техникаларнинг ҳаракатланишига қулай шароит яратилди ҳамда тунги ёритгичлар ўрнатилди. Кўп қаватли уйларда яшаётганларнинг меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳам компания жамоасининг назаридан четда қолгани йўқ. Бунинг учун ҳудудга яқин жойлашган ва ташландиқ ҳолдаги 1,5 гектар майдон туман ҳокимининг розилиги билан ободонлаштирилиб, мингдан ортиқ турли хилдаги дарахт кўчатлари ўтқазилди. Айни пайтда бу ҳудуд оқшомлари ёшу кексалар билан гавжум бўлиб турли хил тадбирлар ўтказиладиган файзли марказга айланди.

Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан бошланган ишлар кўлами янада кенгайтирилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан буён кўп қаватли уйларда яшаётган болажонлар учун қўшимча 14 та спорт майдончалари қуриб битказилди. 6 та уйнинг фасад қисми замон талабига мослаштирилиб, "Пахтакор" МФЙ ҳудудидаги 2 та уйда капитал таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда. Шу билан бирга, ичимлик суви кириб бормаган 8 та уйда яшовчиларни йил охиригача тоза оби-ҳаёт билан таъминлаш режалаштирилган ва айни пайтда лойиҳа-сметаси ишлаб чиқилиб, зарур юмушлар бошлаб юборилган.

Кези келганда айтиш керак, ҳозирги кунда кўп қаватли уйлар ҳолатини замон талабларига мослаштириш ва бу ерда истиқомат қилувчилар учун барча зарур шароитларни яратиб бериш борасида бошқарув сервис компаниялари амалга ошираётган ишлар ўзини оқламоқда ва одамлар бундан миннатдор бўлаётганини ҳам эътироф этиш лозим. Кўплаб компанияларда фаолиятни янада кенгайтиришга мўлжалланган истиқболли лойиҳа ва режалар жуда кўп. Уларни амалга ошириш учун эса ўзлари айрим муаммоларга дуч келишмоқда.

Масалан, биргина "Doʻstobod clean citi" МЧЖ компанияси жамоаси кўп қаватли уйларда яшовчиларга етарлича шароитларни яратиб бериш учун ҳаракатлар қилаётганига қарамай, ҳанузгача ўз идорасига эга эмас. Бу борада тумандаги тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаатлар қилинган, лекин натижа йўқ.

Компания раҳбари Бахтиёр Рустамовнинг айтишича, туман ҳудудида бўш ётган бинолар жуда кўп. Улардан бири жамоа ихтиёрига ўтказилса, ўзлари таъмирлаб олиш имкони мавжуд. Бундан ташқари, ўтган йили "Беруний" МФЙ ҳудудида жойлашган 2 та кўп квартирали ва 5 та МСО баракларни таъмирлаш ҳамда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш мақсадида банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси даражасида 3 млрд 241,7 миллион сўм кредит маблағи 36 ой муддатга 14 фоиз устама ҳақи қўллаган ҳолда пудратчи ташкилот "Аъло плюс қурувчи" МЧЖга ажратилди. Пудратчи томонидан МСО баракларининг 6 минг метр ҳамда Маърифат кўчасидаги икки қаватли, 8 хонадонли уй-жойнинг 400 квадрат метр том қисмлари профнастиль билан ёпилди ва ҳар бир хонадон учун алоҳида омборхоналар қурилиб, замонавий эшик-ромлари ўрнатилди, 2 та ҳожатхона қуриб берилди.

Афсусланарлиси шуки, ажратилган маблағ ҳисобига 1- ва 4-барак уйларнинг олд қисмига йўлаклар қуриш, темир эшик ҳамда сув қувурларини ўрнатиш, ташқи ёритгич ва ўриндиқлар ўрнатиш ишларини бажариш ҳам киритилган. Лекин "Чала иш келтирар ташвиш" деганларидек, "Аъло плюс қурувчи" МЧЖ ишни охирига етказмасдан маблағни ўзлаштириб, жуфтакни ростлаб қолган ва ҳозирда ана шу пудрат ташкилоти фаолияти тугатилган.

– Ўз ҳудудимизда бўлгани учун бу сингари ишлар бошқаларнинг аралашувисиз компаниямиз зиммасига юклатилганда, аввало, ишни бажарган корхонанинг жавобгарлиги ортиб, амалга оширилган ишлар пишиқ-пухта бўларди. Қолаверса, ажратилган маблағ тежалиб, шундоқ ҳам муаммолар гирдобида бўлган яна бир қанча уйлар атрофида қурилиш ва бунёдкорликлар ишлари амалга оширилган бўларди. Айни пайтда режалаштирилган юмушларни ўз муддатида қилиш ўрнига, чала бажарилган ишларни қайтадан тузатиб юрибмиз, – деди компания раҳбари.

Компаниялар фаолиятидаги бу сингари муаммолар бошқа жойларда ҳам учраётганига шубҳа йўқ. Улар янги ва замонавий ташкилотлар бўлгани сабабли қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам бериш, биргина юқори ташкилотларнинг иши эмас. Жойлардаги мутасаддилар, шунингдек, энг аввало, туманлар ҳокимлари масалага жиддий эътибор қаратишса, ана шундагина хизмат кўрсатувчи компаниялар ҳам юртдошларимиз ишончини оқлайди, деб ўйлаймиз.

# Асосий мақсад – аҳоли яшаш шароитини яхшилаш

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

**Тошкент вилоятида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, кўп квартирали уйларни бошқариш, иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда бошқарув сервис компанияларининг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 4 минг 945 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, уларга 78 та бошқарув сервис компанияси ҳамда 10 та УЖМШлар хизмат кўрсатиб келяпти. Шундан, 4 минг 541 та уй бошқарув сервис компанияси томонидан, 72 та кўп квартирали уй эса УЖМШлар томонидан ҳамда 13 таси эса бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилади. Кўп квартирали уйларнинг 4577 таси 1991 йилгача ва 368 таси кейинги йилларда қурилган.

Шу кунгача компаниялар томонидан 3,5 млрд сўм ўз маблағлари эвазига 71 та уйнинг том қисми, 134 та кириш йўлаги жорий таъмирдан чиқарилди. Уйларга темир эшиклар ўрнатилиб, 100 та электр тақсимловчи щит қайта тузатилди ҳамда 132 та уйнинг ертўла қисми тартибга келтирилди. Шунингдек, 81 та уйнинг ички муҳандислик тармоқлари ва 30 та уйнинг фасад қисми ҳам таъмирланди.

Жумладан, Олмалиқ шаҳар "Сўфи Оллаёр" МФЙда жойлашган "Инженер рамз" БСКга қарашли 1 ва 3-кўп қаватли уйларнинг том қисмида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлса, "Ғафур Ғулом" МФЙда эса "Мамлакат она келажак" БСК жамоаси 5-кўп қаватли уйнинг кириш йўлакларини мукаммал таъмирлади. Оҳангарон шаҳар "Умид" МФЙ ҳудудида "Келажак компанияси" ташкилоти ходимлари 7-кўп қаватли уй олдидаги болалар майдончасида сифатли ишларни бажаришди. Шунингдек, "Орзу" МФЙдаги 11-а кўп



қаватли уйнинг 5та кириш йўлаги тўлиқ янгиланди. "Шодлик" МФЙдаги 45-кўп қаватли уйда яшовчилар ҳам "Оҳангарон Муҳташам уй" компанияси томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан миннатдор бўлишмоқда.

Янгийўл шаҳрида жойлашган Файзли", "Фаровон", "Ўзбекистон бекати" МФЙлари, Ангрен шаҳридаги "Кимёгар" ва "Боботоғ" МФЙ ҳудудларидаги кўп қаватли турар жойларда яшаётган фуқаролар хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш бошлаган "Строй эверест мастер", "Мумтоз сервис" ҳамда "Ойдин централ сервис" каби компанияларнинг ишчи-хизматчилари фаолиятидан мамнун бўлмоқда. Ўз навбатида, аҳоли ҳам ҳудудларни ободонлаштиришда муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш керак.

Айни пайтда вилоят ҳудудларида кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш ишларига ҳам жиддий киришилган. Хусусан, уйларнинг том қисмлари, ертўлалар қайта назоратдан ўтказилиб, камчиликлар бартараф этиляпти.

# ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИДА ИШ ҚИЗҒИН

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали томонидан 2023 йилнинг 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда олиб бориш, туман газ филиалларидаги жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, мурожаатларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш бўйича муайян вазифалар амалга оширилди.**

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали ва унинг бўлимларида тасдиқланган жадвалларга мувофиқ шахсий ва сайёр қабуллар ўтказилди. Мурожаатларни кўриб чиқишда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳолатни ўрганиш ва иш юритишни белгиланган тартибда ташкил этиш юзасидан назорат кучайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилди.

"Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали ҳамда табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчилари ўртасида самарали очиқ мулоқотни давом эттириш мақсадида ҳисобот даврида вилоятдаги 19 та газ таъминоти бўлимида сайёр ва оммавий қабуллар ўтказилди. Уларда жами 318 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари билан учрашув ўтказилиб, соҳага оид аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди. Вилоятнинг турли ҳудудларида ўтказилган бундай қабулларда иштирок этган фуқароларнинг аксарияти табиий ва суюлтирилган газ таъминотини яхшилаш бўйича туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари томонидан январь-июнь ойлари давомида амалга оширилган ишлар хусусида ижобий фикрларни билдиришди. Бу эса филиалнинг бугунги кундаги фаолиятига берилган бир баҳо, десак адашмаган бўламиз.

Умуман, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида бевосита "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали ҳамда унинг бўлимларига жисмоний ва юридик шахслардан 3258 та мурожаат келиб тушган. Шундан, 1086 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали, 2172 таси эса филиал ва унинг бўлимларига келган. Ҳисобот даврида "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали директори томонидан 19 нафар, сайёр қабулларда 318 нафар шахсларнинг мурожаати қабул қилинган. Шунингдек, филиал тизимидаги газ таъминоти бўлимлари раҳбарлари томонидан бевосита идорада 352 нафар, ўтказилган сайёр қабулларда 799 нафар шахснинг мурожаати кўриб чиқилган.

Бир сўз билан айтганда, 2 172 та мурожаатнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олиниб, 1779 таси қаноатлантирилган, 366 таси бўйича муаллифларга тушунтириш берилиб, 27 таси айни пайтда ўрганиш жараёнида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали тушган 1086 та мурожаатнинг кўриб чиқилиши ҳам тўлиқ назоратга олиниб, 694 таси қаноатлантирилган, 360 таси бўйича муаллифларга тушунтиришлар берилиб, 2 таси кўрмасдан қолдирилган, 1 таси рад этилган ҳамда 29 таси ўрганиш жараёнида.



Шунингдек, газ таъминоти бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатларини кўриб чиқиш, аҳволини ўрганиш ҳамда ҳисобот даврида амалга ошириладиган режавий дастур ижросини таъминлаш мақсадида 12 та туман газ таъминоти бўлимида комплекс ўрганиш ўтказилди. Мурожаатлар билан ишлашда ва иш юритиш тартибига риоя этилишини таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан филиаллар назорат ва фуқаролар мурожаатлари бўйича етакчи муҳандисларига амалий кўмак, тушунтириш ҳамда кўрсатмалар берилди.

Ҳисобот даврида "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиалида икки маротаба "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш, амалиётда кенг қўллаш бўйича амалий семинар ташкил этилди. Семинар қатнашчиларига "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг айрим моддалари бўйича қисқача шарҳлар етказилди. Мурожаатларни кўриб чиқишда газ таъминоти корхоналари ходимларининг муомала ва ҳуқуқий маданиятига эътибор қаратиш, юзага келадиган низоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш чоралари тўғрисида мисоллар келтирган ҳолда батафсил тушунтирилди.

Шу билан бирга, "Ишонч телефонлари" фаолияти устидан доимий мониторинг амалга оширилиб, улар орқали мурожаат қилаётган фуқаролар билан суҳбат жараёнида масъул ходимларнинг хушмуомала, сабрли ва холис муносабатда бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, истеъмолчиларнинг мурожатларини қабул қилиш учун "Коллцентр" ташкил этилган. Бу орқали 24 соат давомида 4 та ходим мурожаатларни қабул қилиб, зудлик билан бартараф этиши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, филиалнинг Сервис хизматини ривожлантириш бўлими томонидан жорий йилнинг олти ойида 13 293 та газ жиҳозини профилактик кўрикдан, 22 155 тасини техник кўрикдан ўтказиш режалаштирилган эди. Бугунги кунда 12 338 та газ жиҳози профилактик кўрикдан, 14 881 таси техник кўрикдан ўтказилди. Ҳозирги кунда "ҲГТ Сервис" дастури бўйича ишлар қониқарли тарзда ташкил этилган. Дастур бўйича амалга оширилган профилактик кўрик ҳамда техник тафтишдан ўтказиш иши учун истеъмолчилардан онлайн маблағ ундирилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 август кунги ПҚ-4422-сонли қарорининг 4-бандида кичик "г" маиший истеъмолчиларнинг шунингдек, юридик шахсларнинг ностандарт газ-горелкали қурилмаларини замонавий ва энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларга алмаштириш бўйича кўрсатиб ўтилган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, филиалнинг барча



шаҳар-туман газ таъминоти бўлимларида "Аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчилардаги маиший газ ускуналарни таъмирлаш хизмати" томонидан истеъмолчилардаги мавжуд маънан эскирган ностандарт газ жиҳозлари замонавий энергиятежамкор газ горелка ва ускуналарига алмаштириляпти. Йил бошидан бугунги кунга қадар аҳоли хонадонларидаги 412 дона, улгуржи истеъмолчилардаги 138 дона газ жиҳози замонавий энергиятежамкор газ ёндиргичларга алмаштирилди.

2023 йилнинг ўтган олти ойи давомида вилоят аҳолиси учун 7956,70 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режаси белгиланган. Бугунга қадар бу режа амалда 7826,16 тоннани ташкил этиб, 98,4 фоизга бажарилди. Етказиб берилган суюлтирилган углеводород гази "Hududgazta'minot" АЖ томонидан жорий қилинган рақамли технология – ID карталар орқали ҳисоб-китоб қилинаётгани ҳам соҳада эришилаётган ютуқлар омилидир. Бугунги кунда истеъмолчиларга суюлтирилган углеводород газини етказиб беришда 100 фоиз ушбу рақамли технология асосида ишлар амалга оширилмоқда.

– Бугунги кунда Сирдарё вилояти бўйича 9 та туман-шаҳарлардаги 124 та МФЙларида 82 078 та истеъмолчини суюлтирилган углеводород гази билан таъминлаб келмоқдамиз, – деди "Ҳудудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали директори Жаҳонгир Хидиров. – Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги газни қайта ишлаб чиқариш заводларидан ташиб келтириш учун 9 та МАН русумли махсус автотранспортимиз мавжуд. Суюлтирилган газни 3 та газ тўлдириш шохобчаси орқали аҳолига маиший газ баллонларда етказиб бериш учун 21 та ИСУЗУ ва 1 та 320 дона маиший газ баллон ташиш имконига эга бўлган ШАКМАН автотранспортлари ажратилган. Ушбу транспорт воситалари ёрдамида ҳайдовчи, экспедитор ва чилангарлар томонидан аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларига суюлтирилган углеводород гази бир маромда етказиб берилиши таъминланган. Ҳар бир автотранспорт воситасига JPS ўрнатилган бўлиб, техникалар ҳаракати ҳамда бириктирилган ходим йўналиши доимий кузатувга олинган. Туман ва шаҳар ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа графиги асосида истеъмолчиларга суюлтирилган газ ўз вақтида етказиб бериш давомийлиги E-GAZ тизими орқали операторлар томонидан назорат қиланади.

Айни пайтда истеъмолчиларга 18 та газ тақсимлаш станциясидан табиий газ етказиб берилмоқда. Вилоят бўйича жами 3197, 5 километр газ тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 387,8 километр юқори босимли, 904, 9 километр ўрта босимли ва 1 904,8 километр паст босимли ҳисобланади. Жойлашиш бўйича 263,3 километр ер ости ва 2 934, 2 километр ер усти қисмида жойлашган. Вилоят бўйича фойдаланишда бўлган газ тақсимлаш пунктлари 1 261 дона бўлиб, жумладан, 158 таси юқори босимли, 1 103 таси ўрта босимли ҳисобланади. Мавжуд газ тармоқларининг 1180,0 километр қисми 30 йилдан ортиқ фойдаланишда бўлган тармоқлар бўлиб, шундан, 40,0 километр қисми бугунги кунда таъмирлашга муҳтож.

Шунингдек, газ хўжалигини 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз равишда табиий газ билан таъминлаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда 6,7 км тармоқлар мукаммал таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, амалда 2,2 километр 33 фоизга бажарилди, 2,1 километр газ тармоқлар эса реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Бу режа амалда 1,5 километр 69 фоизга бажарилди. 1 308 дона газ тақсимлаш қурилмасидан 531 донаси техник кўрикдан ўтказилди. 12 дона газ тақсимлаш қурилмасидан 10 таси 83 фоизга мукаммал таъмирланади. 100 километр газ тармоқларидан 55,8 километр тармоқлар 56 фоизга босим остида синалди ва тозаланди. 50 километр ер ости газ тармоқлардан 83,4 километр 167 фоизга тармоқлар махсус прибор ёрдамида текширилиб, 74,0 километр газ тармоқларидан 54,6 километр қисми 78 фоизга эстетик кўринишда бўялди.

Айни пайтда филиалда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари давом эттирилмоқда.

# "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВЛАРИДАГИ ЯНГИ УЙЛАР ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида ҳудудларда "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилиб, унда қурилган замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган кўп қаватли уйларнинг дастлабки қисми аллақачон фойдаланишга топширилмоқда.**





Яқинда Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Янгиариқ ва Тупроққалъа туманларида қурилиши якунланган массивлардаги ана шундай кўп қаватли бинолар фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Қўшкўпир туманида умумий майдони 32,8 гектар бўлган "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этишга киришилган эди. Қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилиб, қисқа фурсатда уй-жойларнинг дастлабки қисми ўз эгаларини қабул қилди. Туманнинг "Ёвғур" МФЙда қад ростлаган кичик ва кўркам шаҳарчанинг ўрни қумликлардан иборат ташландиқ бир майдон эди. Эндиликда тез фурсатда қад ростлаган шаҳарчани бир-икки йилда туманда бўлмаган киши умуман танимай қолиши ҳеч гапмас. Статистик маълумотларга кўра, Қўшкўпир тумани аҳолисининг йиллик ўсиши 3 минг нафарга етмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини ортишига сабаб бўлади, албатта.

Бу кичик шаҳарчада 11 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Натижада 220 та хонадон эгаси уйли бўлди. Янги уйларни эгаларига топшириш маросимида вилоят ҳокими Жўрабек Раҳимов иштирок этиб, кейинги йилларда туманда бўлаётган ўзгаришларга ва келажакда аҳоли учун яратилажак қулайликларга атрофлича тўхталди. Тантанали тадбирда иморатларни ўз вақтида, сифатли ва замонавий шаҳарсозлик талабларидан келиб чиқиб фойдаланишга топширган илғор қурувчилар эътироф этилиб, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаларига эга бўлишди.

Шунингдек, Янгиариқ тумани "Дўстлик" МФЙда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида 37 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиши режалаштирилган. Жорий йилда ана шу уйларнинг 17 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яқинда яна 60 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли турар жой биноси ўз эгаларини топди. 5 нафар хонадон соҳибига субсидия асосида ижтимоий уйлар калити ва қимматбаҳо совғалар тантанали равишда тақдим этилди.

Тупроққалъа туманида ҳам "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиши тугалланган янги уй-жойларни эгаларига топшириш тадбири бўлиб ўтди. Тумандаги "Обод" МФЙда қад ростлаган "Янги Ўзбекистон" массивининг умумий майдони 20 гектарни ташкил этади. Бу ерда жами 37 та кўп қаватли уй, 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 50 ўринли оилавий поликлиника қуриб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган эди. Кўзланган ишлар деярли якунига етиб, барча қулайликларга эга бўлган бу уйларда фуқаролар эмин-эркин умргузаронлик қилишмоқда. Жорий йил бошидан буён эса 3 та беш қаватли ҳар бири 20 хонадонга мўлжалланган уйлар фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар яна 7 та ана шундай уйлар қуриб, фойдаланишга топширилади.

Бир қарашда битган уйларни ўз эгаларига топшириш одатий воқеа. Аммо янги уй соҳибу соҳибаларининг юз-кўзида акс этган қувонч орқали неча йиллик орзуларнинг рўёбини, изтиробу қийинчиликларнинг ширин мевасини кўриш мумкин. Демак, юртимизда ҳар бир қурилаётган янги уй кимучундир янги макон, ватан, энг муҳими, бахтга тўла гўзал бир ошёндир. Юртимизда ана шундай гўзал ошёнлар янада кўпаяверсин.



## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога "Lombard Tashkredit" МЧЖнинг 2023 йил 5 июлдаги 94-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 23 май ва 12 июндаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 7092 | Цепь 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 10,36 гр., ч.в. 10,36 гр., 750 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 6 850 500,00 |
| 2. | 7094 | Серьги с дефектом, 1 пара о.в. 6,96 гр., ч.в. 6,96 гр., 750 пр. | 4 047 750,00 |
| 3. | 7096 | Кулон 1 шт., о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр. | 1 699 500,00 |
| 4. | 7097 | Кольца с дефектом 2 шт., кулон 1 шт., о.в. 6,21 гр., ч.в. 5,90 гр., 585 пр. | 2 608 500,00 |
| 5. | 9439 | Цепь 1 шт., о.в. 2,22 гр., ч.в. 2,22 гр., 585 пр. | 966 240,00 |
| 6. | 9601 | Цепь 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 5,47 гр., ч.в. 5,47 гр., 585 пр. | 2 366 100,00 |
| 7. | 9905 | Кулон 1 шт., о.в. 2,21 гр., ч.в. 2,21 гр., 585 пр. | 966 240,00 |
| 8. | 10025 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,64 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр. | 1 328 248,24 |
| 9. | 10459 | Цепь 1 шт., о.в. 4,02 гр., ч.в. 4,02 гр., 585 пр. | 1 739 496,00 |
| 10. | 10666 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 6,96 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр. | 1 404 256,80 |
| 11. | 10792 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,03 гр., ч.в. 3,03 гр., 585 пр. | 1 377 528,16 |
| 12. | 10853 | Цепь 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,91 гр., ч.в. 4,90 гр., 585 пр. | 1 993 167,60 |
| 13. | 10855 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,40 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. | 1 190 056,00 |
| 14. | 11091 | Цепь 1 шт., о.в. 7,24 гр., ч.в. 7,24 гр., 585 пр. | 3 322 368,00 |
| 15. | 11094 | Цепь 1 шт., о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,67 гр., 585 пр. | 1 499 520,00 |
| 16. | 11179 | Браслет 1 шт., кольца 2 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 9,18 гр., ч.в. 8,28 гр., 585 пр. | 2 896 794,40 |
| 17. | 11321 | Серьги 1 пара, о.в. 5,67 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 1 457 100,00 |
| 18. | 11618 | Кольца 2 шт., о.в. 3,37 гр., ч.в. 3,37 гр., 585 пр. | 1 459 524,00 |
| 19. | 11657 | Серьги 1 пара, о.в. 4,27 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр. | 1 470 456,24 |
| 20. | 11658 | Серьги и кольцо с дефектом 1 комплект., кольцо 1 шт., о.в. 10,84 гр., ч.в. 10,00 гр., 585 пр. | 3 757 318,44 |
| 21. | 11790 | Цепь 1 шт., о.в. 8,84 гр., ч.в. 8,84 гр., 585 пр./500 | 1 984 198,80 |
| 22. | 12042 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,24 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 1 066 593,60 |
| 23. | 12272 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,84 гр., ч.в. 2,84 гр., 585 пр. | 1 306 763,52 |
| 24. | 12389 | Кулон 1 шт., о.в. 0,58 гр., ч.в. 0,58 гр., 585 пр. | 259 644,00 |
| 25. | 12593 | Цепь 1 шт., о.в. 8,79 гр., ч.в. 8,79 гр., 585 пр. | 4 275 000,00 |
| 26. | 12612 | Кольца с дефектом 3 шт., о.в. 7,08 гр., ч.в. 6,30 гр., 585 пр. | 2 501 262,24 |
| 27. | 12694 | Кольца 2 шт., о.в. 3,15 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. | 1 001 632,02 |
| 28. | 12695 | Кольца 2 шт. с дефектом о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр. | 1 396 500,00 |
| 29. | 12787 | Перстень 1 шт., о.в. 10,25 гр., ч.в. 9,25 гр., 585 пр. | 4 578 000,00 |
| 30. | 12855 | Серьги 1 пара, о.в. 5,75 гр., ч.в. 5,30 гр., 585 пр. | 2 608 500,00 |
| 31. | 12885 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,44 гр., 585 пр. | 729 900,00 |
| 32. | 12906 | Кольца 2 шт., серьги и кольцо 2 комплект, серьги 1 пара, о.в. 40,07 гр., ч.в. 37,50 гр., 585 пр. | 16 663 579,20 |
| 33. | 12909 | Часы с дефектом с ремешком 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 30,94 гр., ч.в. 6,33 гр., 585 пр. | 3 063 000,00 |
| 34. | 12918 | Кольцо и серьги 1 комп., о.в. 9,26 гр., ч.в. 9,26 гр., 585 пр. | 4 502 250,00 |
| 35. | 12944 | Цепь 1 шт. с дефектом, о.в. 4,58 гр., ч.в. 4,58 гр., 585 пр./500 | 2 002 500,00 |
| 36. | 13080 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,85 гр., 585 пр. | 776 489,28 |
| 37. | 13117 | Браслет с дефектом 1 шт., о.в. 5,41 гр., ч.в. 5,41 гр., 585 пр. | 1 907 976,12 |
| 38. | 13118 | Кольцо 1 шт., с дефектом, о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,64 гр., 916 | 1 421 871,20 |
| 39. | 13124 | Кольцо 1 шт., о.в.1,90 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр., кольцо 1 шт., о.в. 2,00 гр., о.в.2,00 гр., 500 пр. | 1 396 500,00 |
| 40. | 13209 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,35 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 41. | 13244 | Подвеска 1 шт., о.в. 6,64 гр., ч.в. 6,30 гр., 750 | 3 063 000,00 |
| 42. | 13245 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,85 гр., 585 пр. | 942 000,00 |
| 43. | 13262 | Цепь 1 шт., колье 1 шт., браслет 1 шт., кольца 2 шт., серьги 2 пары, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 47,44 гр., ч.в. 44,90 гр., 585 пр. | 19 308 163,20 |
| 44. | 13269 | Кольцо 1 шт., с дефектом, о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр. | 1 245 000,00 |
| 45. | 13310 | Кольцо 1 шт., о.в. 1.87 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. | 896 550,00 |
| 46. | 13317 | Серьги 1 пара с дефектом, о.в. 3,69 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 47. | 13329 | Серьги 2 пары, о.в. 3,29 гр., ч.в. 3.10 гр., 585 пр. | 1 243 485,00 |
| 48. | 13366 | Серьги 1 пара, о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,34 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 49. | 13376 | Цепь 1 шт., о.в. 8,20 гр., ч.в. 8,20 гр., 585 пр. | 3 091 506,24 |
| 50. | 13384 | Кольца 2 шт., о.в. 4,61 гр., ч.в. 4,61 гр., 585 пр. | 2 911 500,00 |
| 51. | 13399 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,54 гр., 585 пр. | 790 500,00 |
| 52. | 13418 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,55 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 2 154 000,00 |
| 53. | 13424 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,50 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 396 500,00 |
| 54. | 13436 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 19,02 гр., ч.в. 15,22 гр., 585 пр. | 6 436 214,16 |
| 55. | 13500 | Серьги 1 пара, о.в. 4,25 гр., ч.в. 3,65 гр., 585 пр. | 1 775 250,00 |
| 56. | 13504 | Серьги и кольцо 1 комплект, цепь 1 шт., о.в. 13,10 гр., ч.в. 13,10 гр., 585 пр. | 5 941 500,00 |
| 57. | 13544 | Цепь 1 шт., о.в. 15,66 гр., ч.в. 15,66 гр., 585 пр. | 7 109 464,00 |
| 58. | 13558 | Серьги 1 пара с дефектом, о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,28 гр., 585 пр. | 1 421 871,20 |
| 59. | 13561 | Браслет с дефектом 1 шт., серьги с дефектом 1 пара, о.в. 5,02 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 1 245 000,00 |
| 60. | 13633 | Кольца 2 шт., с дефектом, о.в. 5,38 гр., ч.в. 5,28 гр., 585 пр. | 2 532 750,00 |
| 61. | 13703 | Кольцо и серьги 1 комп с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 6,91 гр., ч.в. 5,21 гр., 585 пр. | 2 339 169,36 |
| 62. | 13765 | Браслет 1 шт., о.в. 3,89 гр., ч.в. 3,89 гр., 585 пр. | 1 562 253,12 |
| 63. | 13768 | Кольцо 1 шт., с дефектом, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,49 гр., 585 пр. | 1 245 000,00 |
| 64. | 13832 | Кольцо и серьги 1 комп. с дефектом, кольца 3 шт., серьги 1 пара, кулоны 2 шт., о.в. 25,88 гр., ч.в. 18,78 гр., 585 пр. серьги 1 пара, о.в. 3,36 гр., ч.в. 1,76 гр., 585 пр./925. | 8 214 000,00 |
| 65. | 13847 | Браслет 2 шт., кольцо и серьги 1 комп., о.в. 35,86 гр., ч.в. 32,36 гр., 585 пр. | 15 637 500,00 |
| 66. | 13851 | Кулон 1 шт., кольца 3 шт., о.в. 14,87 гр., ч.в. 13,20 гр., 585 пр. | 4 956 750,00 |
| 67. | 13875 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 27,71 гр., ч.в. 26,50 гр., 585 пр. | 12 910 500,00 |
| 68. | 13893 | Перстень 1 шт., с дефектом, о.в. 6,75 гр., ч.в. 6,75 гр., 585 пр. | 3 290 250,00 |
| 69. | 13897 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,03 гр., ч.в. 3,03 гр., 585 пр. | 1 472 250,00 |
| 70. | 13898 | Серьги 1 пара, о.в. 3,75 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 71. | 14102 | Цепь 1 шт., о.в. 13,03 гр., ч.в. 13,03 гр., 585 пр. | 6 320 250,00 |
| 72. | 14148 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,32 гр., ч.в. 1,32 гр., 585 пр.; серьги 1 пара с дефектом, о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,49 гр., 750 | 2 002 500,00 |
| 73. | 14175 | Перстень 1 шт., о.в. 6.21 гр., ч.в. 6.10 гр., 585 пр. | 2 987 250,00 |
| 74. | 14235 | Кольцо 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 28,52 гр., ч.в. 28,52 гр., 585 пр. кольцо 1 шт., о.в 7,80 гр., ч.в 3,90 гр., 750 пр. | 15 637 500,00 |
| 75. | 14359 | Серьги 1 пара, о.в. 3,82 гр., ч.в. 3,22 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 76. | 14380 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,91 гр., ч.в. 1,91 гр., 585 пр. | 942 000,00 |
| 77. | 14548 | Серьги 1 пара, о.в. 9,90 гр., ч.в. 9,90 гр., 585 пр. | 4 177 116,46 |
| 78. | 14601 | Кольца 2 шт., о.в. 5,43 гр., ч.в. 4,60 гр., 585 пр. | 2 123 700,00 |
| 79. | 14602 | Кольцо 1 шт., серьги 2 пары, о.в. 5,41 гр., ч.в. 4,69 гр., 585 пр. цепь 1 шт., о.в 1.21 гр., ч.в 1,21 гр., 585 пр. | 2 714 550,00 |
| 80. | 14770 | Серьги 1 пара, о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 974 384,64 |
| 81. | 14844 | Кольца 2 шт., о.в. 7,67 гр., ч.в. 6,30 гр., 585 пр. | 2 525 356,80 |
| 82. | 14846 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, кулон 1 шт., о.в. 13,33 гр., ч.в. 11,33 гр., 585 пр. | 5 598 807,00 |
| 83. | 14890 | Кольца 4 шт. с дефектом, о.в. 6,67 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 2 911 500,00 |
| 84. | 15092 | Цепь 1 шт., о.в. 10.30 гр., ч.в. 10,30 гр., 585 пр. | 4 956 750,00 |
| 85. | 15245 | Серьги 1 пара, о.в. 6,10 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр. | 2 760 000,00 |
| 86. | 15265 | Кольцо 1 шт., о.в. 5,20 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр. | 2 532 750,00 |
| 87. | 15308 | Браслет 1 шт., о.в. 20,86 гр., ч.в. 20,86 гр., 585 пр. | 10 138 050,00 |
| 88. | 15310 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,49 гр., ч.в. 1,39 гр., 585 пр. | 639 000,00 |
| 89. | 15467 | Серьги 1 пара, о.в. 5,35 гр., ч.в. 5,35 гр., 585 пр. | 2 608 500,00 |
| 90. | 15555 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 1,99 гр., ч.в. 1,99 гр., 585 пр. | 942 000,00 |
| 91. | 15612 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр. | 1 169 250,00 |
| 92. | 15624 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 12,59 гр., ч.в. 12,10 гр., 585 пр. | 5 790 000,00 |
| 93. | 15821 | Браслет 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 15,81 гр., ч.в. 15,81 гр., 585 пр. | 7 608 000,00 |
| 94. | 15870 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,49 гр., 585 пр. | 1 169 250,00 |
| 95. | 16089 | Кольца с дефектом 2 шт., серьги 2 пары, о.в. 13,68 гр., ч.в. 12,80 гр., 585 пр. | 6 214 200,00 |
| 96. | 16259 | Цепи 2 шт., кулон 1 шт., серьги 3 пары, кольца 8 шт., о.в. 59,61 гр., ч.в. 52,00 гр., 585 пр. | 19 122 000,00 |
| 97. | 16502 | Серьги 1 пара, кольца 3 шт., о.в. 8,40 гр., ч.в. 7,00 гр., 585 пр. | 3 366 000,00 |
| 98. | 16521 | Кольца 2 шт. с дефектом, о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 396 500,00 |
| 100. | 16523 | Кольцо 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 4,81 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 1 926 750,00 |
| 101. | 16529 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,24 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 102. | 16634 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 1,76 гр., ч.в. 1,76 гр., 585 пр. | 790 500,00 |
| 103. | 16646 | Кольца 3 шт. с дефектом, о.в. 5,54 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр. | 2 457 000,00 |
| 104. | 16647 | Серьги 1 пара, о.в. 4,26 гр., ч.в. 3,26 гр., 585 пр. | 1 548 000,00 |
| 105. | 16720 | Кольцо и серьги 1 комп., кольца 2 шт., браслет 1 шт., о.в. 30,75 гр., ч.в. 29,55 гр., 585 пр. | 14 349 750,00 |
| 106. | 16753 | Цепь 1 шт., о.в. 10,94 гр., ч.в. 10,74 гр., 585 пр. | 5 184 000,00 |
| 107. | 16755 | Кулон 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 4,77 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр. | 2 305 500,00 |
| 108. | 17143 | Кольцо 1 шт., о.в. 3,20 гр., ч.в. 3,05 гр., 585 пр. | 1 472 250,00 |
| 109. | 17172 | Серьги и кольцо 1 комплект, о.в. 7,75 гр., ч.в. 7,40 гр., 585 пр. | 3 063 000,00 |
| 110. | 17239 | Серьги 1 пара, о.в. 2,00 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 790 500,00 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **382 327 665,04** |

Аукцион савдолар **2023 йил 8 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 4 август куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2023 йил 8 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 22 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# АО “УЗАГРОСУГУРТА”

## Консолидированная финансовая отчетность, подготовленная в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности за год, закончившийся 31 декабря 2022 г.

(валюта отчета – в тысячах узбекских сумах)

### КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ФИНАНСОВОМ ПОЛОЖЕНИИ

| | Прим. | 31 декабря 2022 года | 31 декабря 2021 года |
|---|---|---|---|
| **АКТИВЫ** | | | |
| Денежные средства и их эквиваленты | 8 | 35 313 093 | 6 089 855 |
| Средства в банках | 9 | 103 182 759 | 107 818 722 |
| Финансовые активы, имеющиеся в наличии для продажи | 10 | 43 057 528 | 40 369 002 |
| Дебиторская задолженность по страхованию и перестрахованию | 11 | 70 611 397 | 5 368 057 |
| Резерв незаработанных премий, доля перестраховщика | 12 | 52 291 414 | 46 401 309 |
| Резерв убытков и расходов на урегулирование убытков, доля перестраховщика | 17 | 4 593 263 | 9 815 553 |
| Долгосрочные выданные займы | 14 | 10 486 892 | – |
| Внеоборотные активы, предназначенные для продажи | | 19 235 776 | 33 275 494 |
| Основные средства и нематериальные активы | 13 | 396 370 987 | 85 354 621 |
| Предоплата на приобретение недвижимости | | 943 132 | 1 676 076 |
| Требования по текущему налогу на прибыль | | 157 135 | 229 770 |
| Отложенные налоговые активы | 27 | 4 964 588 | 944 340 |
| Прочие активы | 15,31 | 27 311 676 | 23 160 947 |
| **ИТОГО АКТИВЫ** | | **768 519 640** | **360 503 744** |
| | | | |
| **ОБЯЗАТЕЛЬСТВА** | | | |
| Кредиторская задолженность по страхованию и перестрахованию | 16 | 40 405 734 | 7 289 600 |
| Резерв незаработанных премий | 12 | 177 481 048 | 133 758 726 |
| Резерв убытков и расходов на урегулирование убытков | 17 | 67 033 771 | 29 984 059 |
| Средства клиентов | 18 | 32 036 665 | 52 878 012 |
| Краткосрочные полученные займы | | – | 300 000 |
| Обязательства по текущему налогу на прибыль | | 2 362 145 | 19 383 |
| Отложенные налоговые обязательства | 28 | – | – |
| Прочие обязательства | 19,31 | 18 580 413 | 14 965 108 |
| **ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА** | | **337 899 775** | **239 194 888** |
| | | | |
| **КАПИТАЛ** | | | |
| Акционерный капитал | 20 | 108 955 939 | 108 955 939 |
| Нераспределенная прибыль/(непокрытый убыток) | | 321 663 927 | 12 253 748 |
| Капитал, относящийся к акционерам | | 430 619 866 | 121 209 687 |
| Неконтролирующие доли участия | | (0) | 99 169 |
| **ИТОГО КАПИТАЛ** | | **430 619 865** | **121 308 856** |
| **ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА И КАПИТАЛ** | | **768 519 640** | **360 503 744** |

### КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ПРИБЫЛЯХ ИЛИ УБЫТКАХ И ПРОЧЕМ СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ

| | Прим. | За год, закончившийся 31 декабря 2022 года | За год, закончившийся 31 декабря 2021 года |
|---|---|---|---|
| | | | |
| Страховые премии | 21 | 335 693 137 | 268 826 304 |
| Страховые премии, переданные в перестрахование | 21 | (54 194 811) | (127 315 164) |
| СТРАХОВЫЕ ПРЕМИИ, ЗА ВЫЧЕТОМ ПЕРЕДАННЫХ В ПЕРЕСТРАХОВАНИЕ | | 281 498 326 | 141 511 140 |
| Изменение в резерве незаработанных премий, нетто | 12,21 | (37 832 216) | (1 208 009) |
| Отмененные страховые премии | 21 | – | – |
| **ЗАРАБОТАННЫЕ ПРЕМИИ, ЗА ВЫЧЕТОМ ПЕРЕДАННЫХ В ПЕРЕСТРАХОВАНИЕ** | | **243 666 109** | **140 303 131** |
| Оплаченные убытки, общая сумма | 17,22 | (43 402 015) | (35 328 421) |
| Оплаченные убытки, доля перестраховщика | 17,22 | 424 945 | 833 247 |
| Изменение в резерве убытков и расходов на урегулирование убытков | 22 | (26 159 385) | 2 516 275 |
| Изменение доли перестраховщика и требования к перестраховщику в резерве убытков и расходов на урегулирование убытков | 22 | (5 222 290) | 8 871 670 |
| **ПРОИЗОШЕДШИЕ УБЫТКИ, ЗА ВЫЧЕТОМ ПЕРЕДАННЫХ В ПЕРЕСТРАХОВАНИЕ** | | **(74 358 745)** | **(23 107 229)** |
| Возмещение по регрессному требованию | 24 | 813 177 | 2 610 269 |
| Расходы на предотвращение страховых случаев | | – | – |
| Прочие доходы от страховой деятельности, нетто | | 813 177 | 2 610 269 |
| Комиссионные доходы | 23 | 332 692 | 33 066 |
| Комиссионные расходы | 23 | (57 406 218) | (31 630 810) |
| КОМИССИОННЫЕ РАСХОДЫ, НЕТТО | | **(57 073 526)** | **(31 597 744)** |
| Инвестиционный доход | 25 | 22 203 906 | 24 147 727 |
| Чистый прибыль/(убыток) по операциям с иностранной валютой | | 1 595 215 | 271 819 |
| Прочий доход | | 9 113 132 | 6 165 750 |
| **ПРОЧИЕ ДОХОДЫ** | | **32 912 253** | **30 585 296** |
| Административные и операционные расходы | 26,30 | (130 817 662) | (116 380 887) |
| Резерв под обесценение по финансовым активам и прочим операциям | 27 | (11 157 316) | 930 658 |
| Прибыль/(убытки) от восстановления резерва на ожидаемые кредитные убытки | | (338 315) | 128 264 |
| ПРОЧИЕ РАСХОДЫ | | **(142 313 294)** | **(115 321 966)** |
| ПРИБЫЛЬ/УБЫТОК ДО РАСХОДА ПО НАЛОГУ НА ПРИБЫЛЬ | | 3 645 974 | 3 471 758 |
| Расход по налогу на прибыль | 28 | 604 535 | 88 223 |
| ЧИСТАЯ ПРИБЫЛЬ/(УБЫТОК) ЗА ГОД | | 4 250 509 | 3 559 981 |
| **ИТОГО СОВОКУПНЫЙ ДОХОД** | | **4 250 509** | **3 559 981** |
| | | | |
| **Относящийся к:** | | | |
| Акционерам группы | | 4 250 509 | 3 585 591 |
| Неконтролирующие доли участия | | – | (25 610) |
| | | 4 250 509 | **3 559 981** |

### КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ КАПИТАЛА

| | Уставной капитал | Нераспределенная прибыль/(непокрытый убыток) | Итого | Неконтролирующая доля | Итого капитал |
|---|---|---|---|---|---|
| На 31 декабря 2021 года | 108 955 939 | 12 253 749 | 121 209 686 | 99 169 | 121 308 855 |
| Итого совокупная прибыль/убыток за год | – | 5 558 451 | **5 558 451** | – | **5 558 451** |
| Выпуск акционерного капитала | – | – | – | (99 169) | **(99 169)** |
| Объявленные дивиденды | – | (1 324 342) | **(1 324 342)** | – | **(1 324 342)** |
| Переоценка основные средства | – | 306 863 033 | 306 863 033 | – | **306 863 033** |
| Премирование сотрудников | – | (1 686 964) | **(1 686 964)** | – | **(1 686 964)** |
| На 31 декабря 2022 года | **108 955 939** | **321 663 927** | **430 619 865** | – | 430 619 865 |

### КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ

| | За год, закончившийся 31 декабря 2022 года | За год, закончившийся 31 декабря 2021 года |
|---|---|---|
| **ДВИЖЕНИЕ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ ОТ ОПЕРАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:** | | |
| Полученные страховые премии | 335 908 805 | 268 405 146 |
| Оплаченные страховые премии, переданные в перестрахование | (96 162 378) | (129 761 654) |
| Оплаченные убытки, общая сумма | (42 977 070) | (34 495 174) |
| Оплаченные убытки, доля перестраховщика | 133 443 | (185 426) |
| Отмененные страховые премии | – | – |
| Возмещение по регрессному требованию | 813 177 | 2 610 269 |
| Расходы на предотвращение страховых случаев | – | – |
| Комиссионные доходы | 332 692 | 33 066 |
| Комиссионные расходы | (57 646 451) | (31 518 472) |
| Прочие доходы | 14 505 027 | 1 618 539 |
| Административные и операционные расходы | (116 101 722) | (111 305 414) |
| **Увеличение/уменьшение операционных активов** | | |
| Дебиторская задолженность по страхованию и перестрахованию | (56 943) | 79 737 |
| Прочие активы | (11 305 030) | (3 843 341) |
| **Увеличение/уменьшение операционных обязательств** | | |
| Средства клиентов, полученные | (19 690 464) | 17 205 335 |
| Средства клиентов, уплаченные | – | – |
| Прочие обязательства | 1 248 245 | 2 032 806 |
| **Приток/отток денежных средств от операционной деятельности до уплаты налогов** | **9 001 332** | **(19 124 583)** |
| Налог на прибыль уплаченный | (1 000 317) | (3 531 783) |
| **Чистый приток/отток денежных средств от операционной деятельности** | **8 001 015** | **(22 656 366)** |
| **ДВИЖЕНИЕ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ ОТ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:** | | |
| Поступления от продажи основных средств | 14 039 718 | (13 888 488) |
| Приобретение основных средств | (311 016 366) | (6 413 890) |
| Приобретение финансовых активов, имеющихся в наличии для продажи | (2 688 525) | (470 473) |
| Предоплата на приобретение недвижимости | 306 544 899 | (1 666 159) |
| Чистое увеличение/уменьшение депозитов в банках | 4 391 680 | 6 453 410 |
| Прочая инвестиционная деятельность | (10 886 061) | 14 249 833 |
| Дивиденды, полученные | 150 310 | 437 199 |
| Проценты, полученные | 22 010 912 | 23 424 136 |
| **Чистый приток/отток денежных средств от инвестиционной деятельности** | **22 546 566** | **22 125 568** |
| **ДВИЖЕНИЕ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ ОТ ФИНАНСОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:** | | |
| Выпуск акционерного капитала | – | – |
| Дивиденды, уплаченные | (1 324 342) | (1 069 032) |
| **Чистый приток денежных средств от финансовой деятельности** | **(1 324 342)** | **(1 069 032)** |
| **ЧИСТОЕ УВЕЛИЧЕНИЕ /УМЕНЬШЕНИЕ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ И ИХ ЭКВИВАЛЕНТОВ** | 29 223 239 | (1 599 830) |
| Влияние изменения курса иностранной валюты на денежные средства и их эквиваленты | – | – |
| **ДЕНЕЖНЫЕ СРЕДСТВА И ИХ ЭКВИВАЛЕНТЫ, на начало года** | **6 089 855** | **7 689 685** |
| **ДЕНЕЖНЫЕ СРЕДСТВА И ИХ ЭКВИВАЛЕНТЫ, на конец года** | **35 313 093** | **6 089 855** |

Достоверность финансовой отчетности АО “Узагросугурта”, составленной по МСФО, подтверждена аудиторской фирмой ООО “GRANT THORNTON” от 20 июня 2023 года.

По мнению аудитора, прилагаемая консолидированная финансовая отчетность отражает достоверно во всех существенных аспектах финансовое положение Группы по состоянию на 31 декабря 2022 года, а также ее консолидированные финансовые результаты и консолидированное движение денежных средств за год, закончившийся на указанную дату, в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности (МСФО).

Формы годовой финансовой отчетности опубликованы на официальном веб-сайте общества www.agros.uz.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## *Июль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Сарвар Алиқулов,** Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси **Хайрулло Ибрагимов,** хўжалик ишлари бўлими ҳайдовчиси **Азим Мусирмонов,**

“Ташгипрогор” АЖ Логистика бўлими сотиб олиш бўйича муҳандиси **Салоҳиддин Муслимов,** Техник бўлими электриги **Бобир Муҳитдинов,** архив менежери **Худойқул Назарқулов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Азим Ғаниев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Алийбек Каипбергенов,**

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Бахтиёр Назаров,**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор **Беҳзод Ахматов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали мутахассиси **Жасур Батиралиев,**

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи-бош архитектор **Даврон Холиқов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутахассиси **Жамшид Аюпов,**

Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги “Ғиждувон коммунал сервис” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Муҳайё Раҳматуллаева,**

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги “Шўрчи коммунал сервис хизмати” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Ҳусниддин Бобоназаров,**

Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги “Бунёдкор уйлари” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Раҳматулло Саипов,**

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги “Kelajak xizmat” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шоназар Шадиев**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№55-56 (708-709) 2023 йил 7 июль

# ХИВА МИНОРАЛАРИ қандай қурилган?



**Неча асрлардан буён Хива ўзининг бетакрор обидалари, пурвиқор ва осмонўпар миноралари билан олам аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Ичан қалъа ва ундаги бир-бирини такрорламас обидаларни кўрган сари ҳайратингиз ортаверади. Баланд-баланд миноралар узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Ёнига келиб, тепасига қарасангиз, бошдан дўппингиз тушиб кетади. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ҳам ана шу – Хивадаги миноралар ва уларнинг қурилиш тарихи ҳақида. Шу сабабли узоқ вақтлардан буён Хивадаги обидалар ҳақида илмий тадқиқот ишларини олиб борган, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонаси илмий котиби, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ билан миноралар ва уларнинг қурилиш тарихи ҳақида суҳбатлашдик.**

**– Минораларнинг қурилиш сабаби ва асосий вазифалари нимадан иборат?**

– Минора араб тилидан олинган сўз бўлиб, маёқ, машъал маъноларини билдиради. Ислом мамлакатларида миноралар масжид ёки мадрасалар ёнида қурилган. Шунинг учун уни фақат намозга чақириш учун барпо этилган, деб ўйлашади. Аслида, миноралар Ислом дини кириб келишидан олдин ҳам бўлган ва улар Буюк ипак йўлида, карвонлар учун саҳрода маёқ вазифасини ўтаган. Қумли саҳронинг маълум бир жойида миноралар қурилган ва улар ёнида қудуқлар бўлиб, карвон аҳлини ичимлик суви билан таъминлаган. Ҳақиқатан, исломдан олдинги карвон йўлларига қурилган миноралар ёнида қудуқлар бўлган.

Ислом дини кириб келганидан кейинги миноралар асосан, масжидлар қошида қурилиб, одамларни намозга чорлаш учун хизмат қилган. Қадимдан Хива минораларининг кўплиги ва чиройи билан мамлакатнинг қудрати ҳамда бойлигини намойиш қилган. Қалъа атрофининг доимий равишда кузатувда бўлиши эса душманларни қўрқувга солган. XX асрнинг бошида Хива шаҳридаги миноραларнинг сони 17 та бўлган. Бугунги кунда Масжиди жомеъ, Исломхўжа, Муҳаммад Аминхон, Тўра Мурод тўра, Саййид Ниёз Шоликорбой, Полвон қори, Абдол бобо, Кабутархона, Чилла авлиё, Муҳаммад маҳрам, Бикажон Бика, Тўрт шоҳбоз каби 12 та минора сақланиб қолган. Абду Карим оқсоқол, Муҳаммад Раҳимхон II, Мусофирхона, Боғча, Иброҳим хўжа ва Поянда миноралари 1930-1950 йиллар оралиғида вайрон этилиб, йўқотилган.

**– Обидалар уларни қурдирган шахс номи билан аталиши хусусида маълумот берсангиз.**

– Ислом оламидаги машҳур ҳадисларда айтилишича, мўмин кишига вафотидан кейин ҳам савоби етадиган солиҳ аъмоллар: тарқатган илми, солиҳ фарзанди, мерос қолдирган иморатидир. Шунинг учун ҳам мусулмонлар яхши шогирд ёки солиҳ фарзандга “Устозингга раҳмат” ёки “Отангга раҳмат” дейишади. Ҳар қандай иморатдан фойдаланган одамлар уни қурган кишига Аллоҳдан раҳмат тилайди. Шу сабаб ҳар ким имкониятига қараб, ўзидан бирон ёдгорлик қолдиришга ҳаракат қилган. Кимдир масжид, мадраса ёки минора қурдирса, яна биров қудуқ, ариқ қаздирган, бошқаси эса дарахт эккан. Қурилган иморат ёки қазилган ариқ шу кишининг номи билан аталиб, унинг номини абадийлаштирган. Бу ишларда ҳукмдорлар ҳам ташаббускор бўлиб, ҳомийлик қилишган.

**– Хивадаги Калта минор қурилиши ҳақида гапириб берсангиз.**

– Калта минор Муҳаммад Аминхон томонидан қурилган. Унинг кўриниши кесик конус шаклида (шунинг учун ҳам Калта минор номини олган) бўлиб, баландлиги 28 метр, диаметри 14,5 метрни ташкил қилади. Минора ўз даврида “Улли (улуғ) минор”, “Кўк минор” номлари билан ҳам аталган. Ўша давр шоирлари унинг қурилиши ниҳоясига етганини шеърий асарларида ҳам таърифлашган. Мадраса пештоқида Огаҳий “Бир минораи олий бино қилдирдиларким, сутун янглиғ гардун айвонига ҳамсар (фалак айвонининг устунидек), балки кайвон сақафига баробар эди (осмон гумбазига баробар эди)”, – деб ёзган эди.

Қолаверса, миноранинг битмай қолгани тўғрисида ҳам афсоналар тўқилган. Жумладан, халқ орасидаги гапларга кўра, Хива хони устага дунёдаги энг баланд минорани қуришни амр қилибди. Уста ишга киришиб, икки йил давомида минора ҳам бўй чўзиб қолибди. Бу миноранинг овозаси Бухоро амирининг қулоғига етибди. Амир уста билан хуфиёна келишув тузибди. Унга кўра, уста Хивадаги минорани битказгач, бундан ҳам баланд ва чиройли минорани Бухорода қуриб бериши керак экан. Бу шартнома ҳақидаги маълумотларни эшитган Хива хони минора битгач, устани ўлдиришини айтибди. Хоннинг машъум ниятидан хабар топган уста қочиб кетишни режалаштиради. Ўз навбатида, хон унга минорадан тушмай ишлашни буюрибди. Уста эса шогирдидан қанот ясаш учун керакли бўлган қоғоз, ғишша (қамиш) хода, ип каби буюмларни топиб келишини сўрабди. Аста-секин бу нарсалардан минора тепасида қанотлар ясаб, бир кун тонг саҳарда жануб томон учиб кетибди. Шундан кейин минора ҳам битмай қолган экан...

1873 йилда генерал-губернатор фон Кауфманнинг буйруғига асосан, подпоручик Григорий Кривцов хивалик бир қариядан сўраб, ёзиб олган афсонада айтилишича, минора битган ва жуда баланд бўлган экан. Шунинг учун ҳам халқ уни “Улли минор” (улуғ, катта минор) деб атаган. Бундай улкан ҳамда чиройли минора билан нафақат хиваликлар, балки хон ҳам фахрланар экан. Бир куни муаззин эрта тонгда мусулмонларни бомдод намозига чақириб, азон айтаётганида миноранинг устки қисми ўпирилиб тушади. Бу ҳол барча мусулмонларни ваҳимага солиб қўяди. Шундан буён ҳеч ким бу миноранинг устига чиқмас ва азон айтмас экан.

**– Минораларнинг қурилиш жараёни қандай кечган?**

– Хоразм наққошчилигининг йирик вакилларидан бири, чизма ва бўяма нақш устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулла Болтаев (1896-1966) 1912 йилда Исломхўжа минораси қурилишида ишлаган. Ўз вақтида Исломхўжа минорасини қурган Худойберган ҳожи, шогирди Исмоил уста, Болта Ваисов, Муҳаммад Амин Муҳаммад Раҳимовлардан кўрганларини қоғозга туширган.

Унга кўра, уста қурилишни бошлашдан олдин миноранинг эгасидан баландлиги ва айланаси неча метр бўлишини сўрайди. Шунга қараб миноранинг ўрнини 5-6 метр қазиб, ердан ғишт, хажжа (цемент) ва оҳак ёрдамида ишлаб чиқади. Ер юзига чиққанда минорани неча метр узунликда бўлишини билгач, шунга қараб юмалоқлаб фарёр билан ишлайди. Минора ердан бир метр кўтарилгач, унинг остига қора қоғоз (сув ўтмас смолали қоғоз) ёки мўм ҳамда мармар қўяди. Минора ғиштларига сайқал бериб ишлайди. Уни режа бўйича қуриш учун катта майдонда қозиқ қоқиб, пастини 8 метр, учини 6 метр, узунлигини 60-70 метр қилиб, қозиққа ипни боғлайди. Юқори ерда ипнинг кўринишига қараб, уста кўзи (тажриба, билими) билан қарайди. 60-70 метр узунликдаги миноранинг таги билан тепасининг нозиклиги ўртасида қанча сантиметр тафовут бўлса, шуни 70 метрга бўлади. Ҳар бир метрда фарқ қиладиган сантиметрни эса бир метрга бўлиб, юқори томони йўғон, пастки томони нозик қилиб бир метрлик чўпгаз ишлайди. Шу чўпгазни то минора битгунича қўйиб ишлатади. Минорани қуриб боришда 5 метр бўлгач, думалоқлаб, унинг устига чиқадиган эшик жойи қўйилади. Сўнгра, уста шу эшикдан юқорига чиқиш учун 30-40 сантиметрдан зина қўйиб ишлайди. Ҳар бир зина устида қалин тахта нарвонни банд этиб боради. Зина юқорисида ҳам шу каби 30-40 сантиметрдан зина шаклида қилиб устидан қоплаб боради ва юқорида 6 тешикли равоқни бошлайди.

Минора тагида юмалоқ фарёр ёғочни тиқиб, уни тўғри фарёри юмалоқ бўлиб ишланиши учун айлантирадиган бир ёғоч ишлатилган. Миноранинг орқа, кунботар, қибла, кунчиқар томонларидан ҳар беш метрдан унинг ичига ёруғлик тушиши учун 25х40 сантиметрли тешиклар қўйиб борилади. Минорада равоқ боғлагандан сўнг, кошинкор уста нақшли қилиб юмалоқлаб ўриб чиқади. Минора атрофига ҳавозалар қўйиш учун қувватли, ич томони ковак, минорадан бир ярим метр чиқиб турадиган ёғочлар қўйилади. Уста шу ҳавозада туриб, минора тепасига шарафа қилиб ғишт теради. Минорани учидаги равоқлар устидан юқорига чиқадиган қилиб кичик юмалоқ кунгура ишланиб, жездан ишланган қубба қўйилади. Юқоридаги шарафа ва қубба қўйиб бўлингандан кейин миноранинг учидан чиқариб ишланган ёғочлар кесиб олиниб, ҳавоза бузиб ташланади.

Абдулла Болтаев ўз эсдаликларида минорага қурилиш материаллари қандай олиб чиқилиши ҳақида шундай ёзади: “Миноранинг юқорисини ишлашда ҳавозаларни ушбу минора учининг атрофи билан кигиздан айлантирадилар. Чунки уста атрофига ёки пастга қараганда қўрқмай ишлаб туриши учун минор учига чодирдек этиб думалоқлаб қўйилади. Минор ичидаги орани банд қиладиган йўғон ёғочни эгри қўйиб, зинага халақит қилмайдиган ҳолда ғиштнинг тагида минор билан бирга ўрадилар. Минорага ёғоч ғилдирак банд этилади. Ғилдиракка эса майда симдан ишланган арқон банд этилади. Пастдаги қутига 60 килограммгача бўлган қурилиш ашёлари икки нафар одам чархни айлантириш орқали чиқарилади. Агар 60 килограммдан оғирроқ юк бўлса, чархнинг ҳам, одамларнинг ҳам қуввати етмайди. Энди миноραларни кошин билан безатилишига тўхталсак. Кошинлар уста кулоллар қўли билан сара лойдан ясалиб, хуммузларда пиширилади. Кошинлар минора учун махсус тайёрланади ва адашиб кетмасликлари учун рақамлаб борилади. Кошинлар қўйиладиган ўрни уч ой давомида офтоб тиғида яхшилаб қуриганидан кейин уста томонидан хажжа ва мих ёрдамида минорага тартиб билан банд этилади”.

Шу зайилда миноралар қуриб битказилган. Ота-боболаримизнинг бундай чиройли обидаларни юксак дид ва маҳорат билан қурганларига минг марта тасаннолар айтсак арзийди.

**– Самимий ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири**
**Болтабой МАТҚУРБОНОВ**
**суҳбатлашди.**

# Янги марказда барча қулайликлар бўлади

**Анвар ҚОБИЛОВ,** журналист.

**Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам қурилишлар сони ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, пойтахтимизнинг меъморий қиёфасини ҳам ўзгартириб, Янги Ўзбекистонга ўзгача кўрк бағишлаяпти.**






Жумладан, 2024 йилнинг май ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган “RABAD” савдо марказини бунёд этиш билан боғлиқ ишлар ҳам бош пудратчи “Man Rav Projectings” лойиҳалаш ташкилоти қурувчилари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда жадаллик билан амалга оширилмоқда.

– Танлов ҳамда харид қилиш жараёнини янада қулайлаштириш мақсадида мижозлар учун замонавий хизматларга тўла савдо ҳудудини яратамиз, – деди буюртмачининг техник назорат бўйича мутахассиси Саидаҳрор Ниёзов. – Мазкур мажмуадаги умумий зона ва коридорларда дам олиш учун жойлар, намозхоналар, турли қаватларда қаҳвахоналар, болалар майдончаси, кийиниш хоналари, вендинг автоматлари ва банк бўлинмалари барпо этилади. Савдо марказининг поллари экологик тоза материал – керамогранитдан қилиниши белгиланган.

Лойиҳада савдо марказининг дизайнига алоҳида эътибор берилган. Бинонинг олд қисмида миллийлик руҳи сезилиб туради. Замонавий марказда баландлиги 4 метр бўлган 350 дан зиёд дўкон ҳамда кўргазма заллари унга ўзгача салобат бағишлайди. Шохобчаларга киришни қулайлаштириш мақсадида ҳар бир қаватда юк лифтлари ва эскалаторлар мавжуд бўлади. Тоза ҳаво билан таъминлаш мақсадида бинода марказлаштирилган шамоллатиш ва ҳаво тозалаш тизимлари ишлайди. Ёнғин ўчириш тизими, барча жамоат жойлари ҳамда омборларни қўриқлаш учун видеокузатув фаолият кўрсатади. Ойнали эшик, электр, марказий вентиляция ҳамда кондиционер барча зарур шароитларни таъминланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда аҳоли учун керакли маҳсулотларни сотиш, сотув бўлимларини шунга кўра ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бино учта корпусдан ташкил топган бўлиб, биринчи ва иккинчи қисмлари уч қават ва қолгани икки қаватдан иборат бўлиши режа қилинган.

“Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудида барпо этилаётган ушбу мажмуа Ғазалкент, Бўстонлиқ, Чирчиқ, Мирзо Улуғбек, Ангрен, Бектемир туманлари аҳолиси учун ҳам асосий савдо шохобчаси бўлиши кўзда тутилган.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-737.
1643 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.00. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 14 июль куни чиқади.